

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК: 330:331.55 (4/9)*

**РАСУЛОВА ДИЛЬФУЗА ВАЛИЕВНА**

**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДА ИШЧИ КУЧИ  
МИГРАЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – «Иқтисодий назария»

Иқтисод фанлари доктори  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2010**

**Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида  
бажарилган.**

**Илмий маслаҳатчи:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Вахабов Абдурахим Васикович**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, академик  
**Убайдуллаева Раъно Ахатовна**

иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Абулқосимов Хасан Пирназарович**

иқтисод фанлари доктори  
**Худойбердиев Зайниддин Явқачевич**

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва  
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш  
вазирлиги**

Ҳимоя Тошкент Молия институти ҳузуридаги Ўзбекистон Миллий Университети ҳамкорлигида иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д. 067.60.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60-уй.

**Диссертация билан Тошкент Молия институти кутубхонасида танишиш мумкин.**

Автореферат 2010 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби  
география фанлари номзоди, доцент**

**Ш.А. Азимов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** XXI асрнинг бошланиши жаҳон хўжалигининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганлиги билан характерланади. Иқтисодийнинг глобаллашуви кўп соҳаларни қамраб олганлиги сабабли меҳнат бозорида катта ўзгаришлар юз бермоқда ва ишчи кучи миграцияси жараёнлари янгича намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаммони тадқиқ қилиш муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Мамлакат Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини унутмаслигимиз керак. Биз мазкур дастурни амалга ошириш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бу билан мамлакатимиз учун долзарб бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этишни кўзда тутамиз”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлатга айланиши ва унинг халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлиб кириши, бир тарафдан, бандлик билан боғлиқ истиқболли режаларни мустақил равишда эмас, балки иқтисодийнинг глобаллашув жараёнини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишни, иккинчи тарафдан эса, миграция билан боғлиқ қарашлар тизими ва бандлик сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг устувор вазифаларини белгилашда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишидаги ҳудудий ўзига хосликларнинг ҳисобга олинишини талаб қилади. Ўзбекистоннинг турли интеграция ташкилотларига аъзо бўлиши билан бирга ижтимоий-сиёсий тузилмасининг барқарорлигини таъминлаш йўлида бандлик ва миграция муаммоларини биргаликда ҳал қилиш кўзда тутилади.

Шу муносабат билан янги иш ўринларини яратиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш масаласи меҳнат бозорининг амал қилишига, бандлик ва аҳолининг турмуш даражасига таъсири долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган масала деб қаралмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқаро ишчи кучи миграциясининг қонуниятларини аниқлаш ва Ўзбекистонда намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳимдир.

Айниқса, меҳнат миграцияси жараёнларини бошқариш, ишчи кучи миграциясининг меҳнат бозорига таъсири масаласи ҳам муҳим саналади. Бу масалани ҳал қилиш учун миграцияга мойил бўлган аҳоли ва жамият манфаатларини инобатга олишга асосланган назарий ёндашувларни, унинг механизм ва усулларини тадқиқ қилиш, ишчи кучи миграцияси жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уни бошқаришнинг услубий ёндашувларини таҳлил қилиш, ижтимоий-иқтисодий омилларининг таъсирини, умумий ва ҳудудий кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутларни аниқлаш муҳим.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010, б. 77.

Бунда албатта, иқтисодийнинг эркинлашуви даврида ишчи кучининг миграцион жойлашувининг оптимал йўналишлари аҳолининг бандлигини таъминлашга, меҳнат бозори давлат бошқарувида, ишчи-мигрантларнинг халқаро ҳимоя қонунларига, меҳнат миграцияси оқимларини назорат қилиш механизмига қаратилмоғи лозим.

Бозор муносабатлари шароитида ишчи кучи миграциясининг ўзига хос хусусиятлари янада яққолроқ намоён бўлади. Муаммонинг долзарблиги шундаки, сўнгги вақтларда меҳнат ресурсларининг халқаро миграцияси кенгаймоқда, яъни меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир давлатдан иккинчи давлатга иш топиш, даромад олиш мақсадида кўчиши, чиқиб кетиш ҳоллари кўп кузатилмоқда.

Миграция жараёнини тартибга солишни такомиллаштириш ва бошқаришнинг назарий қарашларини асослаш, механизм ҳамда воситаларини аниқлаш давлат ва жамиятнинг манфаатига хизмат қилади. Бунда албатта, ишчи кучи миграцион жойлашувининг асосий йўналишларини очиқ бериш аҳолининг бандлигини таъминлаш, миграция оқимларини давлат томонидан бошқаришда ишчи-мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро меъёрларини ҳисобга олишга қаратилиши керак.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий адабиётларда меҳнат миграцияси муаммоларининг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратилган. Бу муаммога бағишланган, сўнгги вақтларда чоп этилаётган монографиялар, илмий мақолалар, ҳимоя қилинаётган диссертациялар сони кўпайганлиги бундан далолат бериб турибди. Хорижлик олимлардан М.Бойд, Ж.Бхагвати, А.Гидденс, Р.Даунс, В.Зелинский, Д.Лейдер, Е.Лее, Д.Массей, Е.Г.Равенштейн, О.Старк, П.Стокер<sup>2</sup> ва бошқалар миграциянинг турлари, йўналишлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, меҳнат миграцияси иштирокчиларининг иш ҳақи, даромадлари, уларнинг тақсимланиши тўғрисида илмий изланишлар олиб боришган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан А.Ш.Абжамилова, Л.А.Арутюнян, Г.С.Вечканов, Е.В.Виноградова, Г.С.Витковская, А.Р.Вяткин, М.Б.Денисенко, Ж.А.Зайончковская, Т.И.Заславская, В.В.Елизаров, В.А.Ионцев, А.Н.Каменский, А.Я.Кваша, Н.Х.Кумскова, Г.В.Кумсков, В.М.Моисеенко, С.А.Панарин, В.И.Переведенцев, Э.П.Плетнева, И.М.Прибыткова, Л.Л.Рыбаковский, О.В.Староверов, А.П.Судоплатов, Е.В.Тюрюканова, В.А.Тишков, Б.С.Хорев, А.У.Хомра, Е.П.Чернова, У.Ж.Эргешбаевларнинг тадқиқотларини алоҳида қайд этиш лозим<sup>3</sup>. Юқорида қайд этилган илмий

---

<sup>2</sup> Lee E.A. Theoru of Migration // Demographu. 1966. №3.Р.66.; Ravenstein E. The Laws of Migration // Journal of the Royal Statistical Society. – June 1885, pp. 167–227.; Stark O., Helmenstein C., Prskawetz A. A Brain Gain with a Brain Drain // Economics Letters. 1997. pp.227–234; Taylor J.E. and Wyatt T.J. The Shadow Value of Migrant Remittances, Income and Inequality in a Household-Farm Economy// Journal of Development Studies. – 1996. 32, pp.899–912; Stark O. and Wang Y. 2002. Inducing Human Capital Formation: Migration as a Substitute for Subsidies // Journal of Development Economics 86: pp.29–46; Stark O. and Bloom D.E. The new economics of labor migration // American Economic Review, 75(2), 1985. pp. 173–178; Stark O., Helmenstein G., and Prskawetz A. Human Capital Depletion, Human Capital Formation, and Migration: a Blessing or a Curse? // Economics Letters 60, 1998. pp. 363–367.

<sup>3</sup> Абжамилова А.Ш. Особенности развития процессов миграции рабочей силы (теоретико-методологические аспекты): Автореф. дис. на соис. учен. степ. канд. экон. наук. Бишкек, 2006. – 18 с.;

тадқиқотларда ишчи кучи миграциясига иқтисодий, демографик ва сиёсий омилларнинг умумий таъсири, жаҳон меҳнат бозорида миграциянинг намоён бўлиш шакллари, хусусиятлари, унинг миқёси, таркиби ва ривожланиш суръатлари тадқиқ қилинган.

Ишчи кучи миграциясининг демографик жиҳатлари мамлакатимиз олимлари Қ.Х.Абдурахмонов, О.Б.Ата-Мирзаев, Л.П.Максакова, Б.А.Тоғаев, Р.А.Убайдуллаева, А.А.Қаюмов, З.Р.Худойбердиевларнинг ишларида ўрганилган<sup>4</sup>.

Мазкур тадқиқотларда асосан, меҳнат миграциясининг мазмуни, уни келтириб чиқарувчи сабаблар, аҳоли бандлиги ва демографик жараёнлар, мамлакатимизда ёшларнинг қишлоқ–шаҳар миграцияси салоҳияти, меҳнат миграциясининг ялпи ишчи кучининг иш билан бандлигини таъминлашдаги аҳамияти, ташқи ишчи кучи миграциясининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари ўрганилган.

Иқтисодчи олимларимиз Х.П.Абулқосимов, А.В. Вахабов, Т.Т. Жўраевларнинг тадқиқотларида ишчи кучи мобиллигини фаоллаштириш – меҳнат бозорининг асосий вазифасидан бири эканлиги<sup>5</sup>, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бандлик ва ижтимоий муҳофазага таъсири<sup>6</sup>, республика меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи талабдан нисбатан ортиқчалиги ва истиқболда унинг расмий эмиграциясининг ортиши иқтисодиётдаги оқимларни тўлдирувчи

---

Вечканов Г.С. Миграция населения как фактор формирования трудовых ресурсов // Проблемы трудовых ресурсов России: (Соц.-экон. исслед.) – СПб., 2005.–С.73; Виноградова Е.В. Международная трудовая миграция // МЭМО. 1994. №2. –С.18; Витковская Г.С. Миграционная политика на региональном уровне. // Материалы семинара по миграционной политике мэрии Москвы, Берлина и Вены. –М.: 2001. –С.35–53; Зайончковская Ж.А. Развитие внешних миграционных связей России // Социол. журн. –М.: 1995.–№1. –С.29–44; Методические и практические аспекты изучения интеграции иммигрантов // Специфика постсоветского пространства / Под ред. Ж.Зайончковской, И.Молодиковой, В.Мукомеля. – М.: Адаманть, 2007. –С.127; Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Вып.5: Стадия миграционного процесса /Приложение к журналу «Миграция в России». – М.: 2001. –160 с.; Тюрюканова Е. Современный миграционный режим и его особенности в России. В кн. Методология и методы изучения миграционных процессов. –М.: 2007.–С.98; Эргешбаев У.Ж. Миграционные процессы в Кыргызстане и их социально-экономические последствия //Автореф. дис. на соис. учен. степ. докт. экон. наук. –М.: – 2009. –С.50.

<sup>4</sup> Қаюмов А.А. Региональные особенности занятости населения в центральноазиатских странах с переходной экономикой // Экономика и финансы. –М.: – 2003. –№4.–С.79–81; Максакова Л. Миграция населения: проблемы регулирования. –Т.: Эльдинур. 2001. –С. 180; Максакова Л. Миграция и рынок труда в странах Средней Азии. –Т.: Брейд-Стайл. 2002. –С.136; Максакова Л. Сельские мигранты на рынках труда городов Узбекистана. –М.: 1999. –С.28; Убайдуллаева Р. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития. Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. –С.14–23; Ата-Мирзаев О. Потенциал сельско-городской миграции молодежи в Узбекистане. –М.: 1999. –С. 28; Ата-Мирзаев О., Умарова Н. “Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги” (ўқув кўлланма). Т.: “Университет”, 2006. 30–40-б.; Тоғаев Б.Э. Ялпи ишчи кучи, унинг таркиби ва бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари. Иқт.фан номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.:ДЖҚА, 2004. 22 б.; Худойбердиев З.Р. Бандлик (Иқтисодий ва сиёсий талқин). (Илмий рисола) Наманган. – 2003.103 б.

<sup>5</sup> Абулқосимов Х. ва бошқалар Миллий меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлашни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2009, 215 б.

<sup>6</sup> Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Т.: Шарқ, 2003. – 320 б.

муҳим омил эканлиги, ишчи кучи расмий эмиграциясининг миллий иқтисодиёт учун ижобий оқибатлари<sup>7</sup> тўғрисида фикр билдиришган.

Юқорида номлари келтирилган илмий тадқиқотларда иқтисодий муносабатлар тизимида ишчи кучи миграцияси жараёнига макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг таъсир этиш механизми, ташқи ишчи кучи миграцияси орқали мамлакатга келиб тушадиган валюта тушумлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнига таъсири, халқаро ва ҳудудий миграция жараёнини бошқаришнинг иқтисодий механизми чуқур ўрганилмаган.

Ишчи кучи миграцияси муаммоси кенг қамровлилиги ва кўп қирралилиги сабабли ўз ечимини кутаётган масалалар, жиддий қарор қабул қилиниши лозим бўлган жиҳатлари мавжуд. Ҳозирги шароитда ишчи кучининг малака жиҳатидан халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш, ишчи кучи миграциясини самарали ташкил этиш, уни тартибга солиш йўналишларини аниқлаш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ишчи кучи миграциясига таъсири борасидаги муаммолар иқтисодий адабиётда махсус, яхлит тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаган.

Муаммонинг долзарблиги, илмий-амалий аҳамиятга эгалиги ва иқтисодий адабиётда етарлича тадқиқ этилмаганлиги тадқиқот мавзуси сифатида танланишига сабаб бўлди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий иш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар чуқурлашувининг устувор йўналишларига мос келади ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқот мақсади** – иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида ишчи кучи миграциясини тартибга солиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- иқтисодий муносабатлар тизимида ишчи кучи миграциясининг ўрнини баҳолаш ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини аниқлаш;
- ишчи кучи миграциясига бағишланган назарий концепцияларни гуруҳлаш ва тизимлаштириш;
- ишчи кучи миграцияси жараёнининг ҳолатини баҳолаш, малака, тармоқ таркибини ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда ишчи кучи миграцияси жараёни ривожланишининг омиллари, хусусиятлари ва устувор йўналишларини аниқлаш;
- ишчи кучи миграцияси жараёнига макроиқтисодий сиёсатни таъсир этиш иқтисодий механизмининг ва дастакларини таҳлил этиш;
- ишчи кучини экспорт қилувчи ва импорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиётига самарали таъсири ва салбий оқибатларини аниқлаш;

---

<sup>7</sup> Джураев Т.Т. Иқтисодий ресурслар доиравий айланиши жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари. Иқт.фан док. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ЎзМУ, 2007. 39 б.

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнига таъсирини баҳолаш ва юмшатишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- халқаро миграция жараёнини бошқаришнинг иқтисодий механизми ва амалга ошириш дастакларини тадқиқ этиш;

- давлат миграция сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ишчи кучи миграциясининг муқобил сценарийси вариантларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** - халқаро ишчи кучи миграцияси, МДҲ давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ишчи кучи миграцияси жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** халқаро ишчи кучи миграциясини амалга ошириш ва бошқариш жараёнларида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид назария ва таълимотларни гуруҳлаштириш, сўровлар ўтказиш услублари, илмий тадқиқот бўйича хулосалар чиқаришда моделлаштириш, статистик таҳлил, тизимли ёндашув, прогнозлаш, умумлаштириш усуллари кенг қўлланилди.

**Тадқиқот гипотезаси:** диссертация жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар миграция сиёсатининг меҳнат бозорига таъсир этиш механизмларининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожланишига оид илмий прогнозлар ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- ишчи кучи миграциясига бағишланган илмий концепцияларнинг ривожланиш эволюцияси аниқланган ва тизимлаштирилган;

- халқаро ишчи кучи миграцияси таркиби баҳоланган, ривожланиш тенденциялари аниқланган ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- халқаро ишчи кучи миграцияси орқали мамлакатга келиб тушадиган валюта тушумлари ва улардан иқтисодиётни ривожлантиришда самарали фойдаланиш йўналишлари аниқланган;

- ишчи кучининг ички ва ташқи меҳнат бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш, унинг малакасини ошириш, қайта тайёрлашнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнига салбий таъсирини камайтириш йўналишлари аниқланган;

- мамлакатимизда миграция сиёсатини такомиллаштириш ва унинг иқтисодий механизми самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Илмий янгилиги:**

- ишчи кучи бозори таркибида ишчи кучи миграциясининг иқтисодий мазмуни очиб берилган ва иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни аниқланган;

- ишчи кучи миграциясига такомиллаштирилган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;
- ишчи кучи миграциясига бағишланган назарий ёндашувлар гуруҳланган ва тизимлаштирилган;
- иқтисодий эркинлаштириш босқичида Ўзбекистондаги меҳнат миграцияси жараёнларининг омиллари, хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари аниқланган;
- ишчи кучининг ташқи ва ички миграциялари, тармоқ, географик таркиблари таҳлил қилинган, ишчи кучи миграциясининг эмиграция ва иммиграция қилувчи томонлар учун афзалликлари ва салбий оқибатлари аниқланган;
- ишчи кучи миграциясининг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини ривожлантиришга таъсир этиш дастаклари асосланган;
- ишчи кучи миграцияси жараёнларини тартибга солиш иқтисодий механизми аниқланган ва амалга ошириш дастакларининг самарадорлигини ошириш йўналишлари аниқланган;
- давлатнинг миграция сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- Ўзбекистонда ишчи кучи миграцияси ўрта ва узоқ муддатларда ривожланишининг муқобил вариантлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти – тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалар ва таклифлардан миграция сиёсатининг меҳнат бозорига таъсир этиш механизмларининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожланишига оид илмий прогнозлар ишлаб чиқишда, ишчи кучи миграцияси жараёнларини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган келгусидаги махсус, мустақил илмий-тадқиқот ишларида манба, қўлланма сифатида қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти.** Муаллифнинг ишчи кучи миграциясини тартибга солиш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар Кўмитаси томонидан республикада ишчи кучи миграциясини тартибга солишга, мигрантларнинг ҳуқуқларини таъминлашга, ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни ишлаб чиқишда ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан миграция сиёсатини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация ишида ишлаб чиқилган амалий таклифлардан пул ўтказмаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда, ишчи кучи миграциясига ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсирини, умумий ва ҳудудий кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутларни аниқлашда, иқтисодий эркинлашуви даврида ишчи кучи миграцион жойлашувининг оптимал йўналишларини белгилашда, аҳолининг бандлигини таъминлашда, меҳнат миграцияси оқимларини назорат қилиш механизмининг такомиллаштиришда,



меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини баҳолаш ва прогнозлашда, миграция жараёнларини мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи давлат бўлинмаларининг фаолиятида, минтақаларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларини ҳал этишда, давлатнинг мақсадли минтақавий миграция дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Меҳнат иқтисодиёти” фанлари ва “Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги” махсус курслари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси (2010 йил 19 апрелдаги №04/3-410 далолатнома), Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бошқармаси (2010 йил 13 январдаги №08/91 далолатнома) фойдаланиш учун қабул қилинди.

Тадқиқот иши материалларидан Банк-молия академиясида “Иқтисодиёт, молия, пул ва кредитнинг замонавий назариялари”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда (2010 йил 5 майдаги №341 далолатнома).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот ишининг асосий ғоя ва хулосалари “Иқтисодиётни эркинлаштириш даврида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари” (Тошкент, 2005), “Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия” (Москва, 2006), “Иқтисодиётда барқарорлик ва атроф-муҳит муҳофазаси” (Тошкент, 2006), “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш тамойиллари, устувор йўналишлари ва истиқболлари” (Тошкент, 2006), “Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях” (Москва, 2007), “Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, таркиби ва ислоҳ этиш йўналишлари” (Тошкент, 2007), “Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақа бозор инфратузилмасининг ривожланиш муаммолари” (Тошкент, 2008), “Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновация, рақобатбардошлик, инвестициялар” (Тошкент, 2008), “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши” (Тошкент, 2008), “Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, 2008), Двадцать вторые Международные Плехановские чтения (Москва, 2009), “Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики” (Москва, 2009), “Социально-демографические процессы в современном Узбекистане” (Тошкент, 2009), “Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ва инқироздан кейинги барқарор ривожланишни таъминлашда банк-молия тизимининг ўрни” (Тошкент, 2010), “Государственное управление в XXI веке: традиции и инновации” (Москва, 2010), “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк-молия тизимининг барқарорлиги: амалиёт ва самарадорлик” (Тошкент, 2010)

халқаро ва республика илмий амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси “Иқтисодиёт, молия ва банк иши назарияси” кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида ва Тошкент молия институти ҳузуридаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигидаги Бирлашган Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилиниб, ижобий баҳоланган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий илмий ғоялари ва натижалари 30 номдаги илмий ишлар кўринишида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши таркибан кириш, беш боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг мазмуни 283 бетда баён этилиб, унда 33 та жадвал ва 24 та расм мавжуд.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Меҳнат миграцияси меҳнат бозорининг ажралмас қисмидир. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида миграция оқимлари маълум бир ҳудуд ва мамлакатдан бошқа бир мамлакатга йўналтирила бошланди. Ишчи кучи миграцияси донор ва ишчи кучини қабул қилаётган мамлакатларга маълум афзалликларни бериши билан бир қаторда баъзи муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Ишчи кучи миграцияси мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида турли объектив ва субъектив сабаблар билан белгиланади. Бу сабабларни аниқлаш ва таснифлашнинг турлича ёндашувлари мавжуд. Миграция сабаблари иқтисодий, табиий-иқлим, демографик, этник, ижтимоий ва бошқа йириклашган гуруҳлар тарзида олиб қаралади. Аниқ йўналишларни ўрганишда миграция сабабларининг мазмуни янада яққолроқ намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда ишчи кучи миграциясининг сабаб-оқибатлари ўзаро боғлиқлигини тушунтириб берадиган қатор назариялар ва концепциялар ишлаб чиқилган. Улар ёрдамида минтақалар ўртасидаги турли миграцион оқимларнинг кўлами, йўналишлари, жадаллиги ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мезонлари биргаликда макродаражада мувофиқлаштирилади. Бундай мувофиқлаштириш мигрантлар ҳатти-ҳаракатининг уларнинг таркибига, ёшига, жинсига, маълумот даражасига ва касбий тайёргарлигига боғлиқлигини аниқлаш учун жуда муҳим.

Турли иқтисодий мактаб вакилларининг тадқиқот предмети бўлиб, миграция жараёнлари ривожланишидаги қонунга асосланган иқтисодий муносабатларни аниқлаштириш ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўз меҳнатининг чекланган маҳсулотини олади ва истеъмол қилади, деб эътироф этувчи неоклассик ёндашув тарафдорларининг фикрича, эмиграция – қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига олиб келади. Эмиграция чиқиб келган давлатнинг иқтисодий тараққиёти эса аввалгидай қолади. Некейнсчилар юқори малакали ходимлар эмиграцияси амалга ошадиган бўлса,

ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиши эҳтимолини эътироф этганлар. Классик олимлар Е.Равенштайн, А.Люнс, Ж.Фрей, Г.Ранис<sup>8</sup> ва неоклассик иқтисодчилар Ж.Харрис, М.Тодаро<sup>9</sup> назарияларига кўра, ортиқча меҳнат ресурслари чекланган, паст ишлаб чиқариш самарадорлиги устувор бўлган қишлоқ районларидан ривожланган урбанизациялашган ҳудудларга миграция қиладилар. Классик назариялардан фарқли равишда таркибий концепция тарафдорлари миграцияни турли субъектлар ўртасидаги (мамлакатлар, минтақалар, корхоналар, индивидлар) иқтисодий ва сиёсий тенгсизлик деб изоҳлаганлар. Бунда бир қадар кучлироқ субъектлар миграция оқими ҳаракатининг ўзларига фойдали томонга йўналишини белгилайдилар. Бозор иқтисодиётини шакллантираётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ишчи кучи миграциясининг хусусиятларига нисбатан янги назарий қарашлар юзага келди. Масалан, микроиқтисодиёт даражасидаги тадқиқотларда миграция тўғрисида индивидуал қарорлар қабул қилишни олдиндан белгилаб берувчи эҳтимолий, ўзгарувчанлик моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларда иш берувчиларни хорижий ишчи кучини ёллашга рағбатлантирувчи омиллар аниқланади.

Иммиграция мамлакатада мавжуд, кутилган даромад ўртасидаги фарқ, ишончли иш ўрнини топиш имконияти, кейинчалик эса яшаш учун рухсат олишга эришиш каби омиллар ҳам эмиграция қилиш учун жиддий рағбатлантирувчи омиллар ҳисобланади.

Бошқа тадқиқотларда эса, ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши сабабли иш берувчилар мигрантларнинг меҳнатидан фойдаланишдан манфаатдор эканликларига урғу берилади<sup>10</sup>. Хорижий ишчи кучи мамлакатнинг муайян малака сегментида меҳнат бозоридаги талабни ортириб, рақобатчилик босими остида бўлган, лойиҳаларни молиялаш ҳамда сармоя киритиш учун чекланган капиталга эга корхоналарнинг сақланиб қолишини таъминлайди.

Миграция сабабларини биринчи марта назарий жиҳатдан ўрганиш инглиз олими Е. Равенштейн номи билан боғланади. У XIX асрнинг бошларида «миграция қонунлари» назариясини яратган<sup>11</sup>. Ана шу қонунларга мувофиқ, мигрантлар бир ҳудудни чекланган имкониятлар билан тарк этиб, бошқа минтақаларга катта имкониятлар билан жойлашиб оладилар. Янги жойларни танлашда масофа катта рол ўйнайди, чунки мигрантлар яқинроқ масофаларга жойлашишни хоҳлайдилар. Қишлоқ-шаҳар миграциясининг ҳар бир оқими қишлоқ жойларига қарама-қарши миграция оқимини вужудга келтиради; миграциянинг энг муҳим омилли иқтисодий омилдир, миграция оқимлари бир қадар ривожланган иқтисодий ҳудудларга ва технологик тараққиёт, алоқа, коммуникация, транспорт даражаси юқори бўлган ҳудудлар томон интилишини исботлади<sup>12</sup>. Равенштейннинг фикрича, шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига

<sup>8</sup> Цапенко И.П. Движущие силы международной миграции населения // Мировая экономика и международные отношения. – М.: 2007. –№3. –С.3–14.

<sup>9</sup> Harris J., Todaro M. Migration, unemployment, and development: a two-sector analysis // American Economic Review. 1970. –№60. –P. 126–142.

<sup>10</sup> Цапенко И.П. Глобализация российской науки // Вестник РАН. –М.: 2005. –№12. –С.1102.

<sup>11</sup> Ravenstein E. The Laws of Migration // Journal of the Royal Statistical Society. – June 1885, pp. 167–227.

<sup>12</sup> Ravenstein E. The Laws of Migration // Journal of the Royal Statistical Society. – June 1889, pp.301.

нисбатан кам ҳаракатда бўлиб, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланиши, савдонинг кенгайиши ва саноатнинг ўсиши миграцияни кучайтиради.

Ушбу концепция йирик минтақаларо оқимлар механизмини тушунтириб беришда муҳим аҳамиятга эга, чунки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида турли районлар ўртасидаги тафовутлар хусусияти ўзгаради. Бу ҳол кенг ҳудудга эга бўлган давлатлар учун эмас, балки халқаро миграция учун ҳам долзарбдир, чунки бу эволюция жараёнида мигрантларни жалб қилувчи ва чиқарувчи мамлакатлар ҳам ўзгаради. Миграциянинг микроиқтисодий назарияси вакиллари, инглиз иқтисодчилари М.Тодаро, Л.Маружко – кишиларнинг кўчишлари тўғрисида қарор қабул қилишлари ҳаражатлар ва даромадлар билан боғлиқ бўлган таҳлилларига асосланади, яъни ҳар бир киши мамлакатларо кўчишида иш ҳақи ўртасидаги фарқдан кутиладиган фойдани баҳолаш асосий мезон ҳисобланади<sup>13</sup>, деган ғояни илгари суришган. Кўчиш ҳаражатларини баҳолаш жараёнида турли ижтимоий омиллар, ижтимоий тармоқларнинг ҳолати, транспорт, хизмат кўрсатиш ва бошқа сиёсий омиллар ҳисобга олинади.

Янги иқтисодий миграция назарияси вакиллари О.Штарк, Д.Мэсси, К.Эспиноза, Дж.Тэйлорлар<sup>14</sup> фикрларига кўра, ижтимоий тармоқларни ҳисобга олиш оилавий стратегия ҳисобланади, бу эса даромад манбаини тўғри сарфлашга, уй хўжаликлари таваккалчиликларини камайтиришга, молия ресурсларига кенг йўл очилишига қаратилган, деб таъкидлашган. Ушбу назария Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида меҳнат миграцияси ишти-рокчиларининг аксарият қисмини аёллар ташкил этаётганлиги сабабларини очиб беришда асос ҳисобланади. Зеро, бу давлатларда барча меҳнат мигрантлари таркибида аёллар улуши 60-80%ни ташкил этади<sup>15</sup>.

Аҳоли миграцияси иқтисодий, демографик, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган чиқариш ва қабул қилиш омилларининг йиғиндисидан иборат, деган ғоя катта мунозарага сабаб бўлди. Ушбу ёндашувга франциялик олим Е.Леенинг 60-йилларда яратган назарияси асос қилиб олинган<sup>16</sup>. Унга кўра иқтисодий, демографик, ижтимоий характерга эга бўлган чиқариш ва қабул қилиш омилларининг ҳаракатига асосланадиган жараён – миграция жараёнидир. Ушбу назарияга мувофиқ инсон миграция ҳақидаги қарорни турли рағбатлар, мотивлар таъсири остида қабул қилиши асосланган. Аҳолининг давлатларо жойлашуви сабаблари давлатларнинг қай даражада ривожланганлигини инобатга олишга ҳам таъсир кўрсатади.

Иқтисодчиларнинг фикрича, мигрантларнинг ҳаётий имкониятларини, истикболдаги режаларини тузишга интилиш, ижтимоий шарт-шароитларнинг замонавий тизимларига йўл топа олиш, хусусан аниқ маълумот олишга ҳаракат қилиши ҳозирги замон миграциясининг асосий хусусиятларидан биридир. Тадқиқот ишида иқтисодий адабиётдаги ишчи кучи миграциясига оид мавжуд

<sup>13</sup> Todaro M. International Migration in Developing Countries. Geneva, 1976. P.178.

<sup>14</sup> World Economic and Social Survey 2004 //International Migration. N.Y., 2004 (<http://www.un.org>).

<sup>15</sup> Stark O. The Migration of Labor. Oxford, 1991.P.360.

<sup>16</sup> Lee E.A.Theory of Migration // Demographu. 1996. – №3. P.165.

концепцияларни чуқур таҳлил қилиш асосида уларнинг ривожланиш эволюциясини қуйидагича тавсифладик (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Халқаро ишчи кучи миграциясига оид назарияларнинг ривожланиш эволюцияси<sup>17</sup>

Иқтисодий мактаб	Вакиллари	Концепциянинг моҳияти
Классик мактаб	Е.Равенштейн	Миграциянинг муҳим омили иқтисодий омил бўлиб, миграция оқимлари ривожланган иқтисодий ҳудудларга ва технологик тараққиёт, алоқа, коммуникация, транспорт даражаси юқори бўлган ҳудудлар томон интилади.
	Е.Лее	Иқтисодий, демографик, ижтимоий тавсифга эга бўлган чиқариш ва қабул қилиш омилларининг ҳаракатига асосланадиган жараён – миграция жараёни бўлиб, инсон миграция қилиш ҳақидаги қарорни турли рағбатлар, мотивлар таъсирида қабул қилиши асосланган.
Неоклассиклар <i>миграциянинг микро иқтисодий назарияси</i>	М.Тодаро, Л.Маружко	Кишиларнинг кўчишлари тўғрисидаги қарор қабул қилишларида харажатлар ва даромадлар билан боғлиқ бўлган иш ҳақи ўртасидаги фарқдан кутиладиган фойдани баҳолаш асосий мезон ҳисобланади.
<i>Янги иқтисодий миграция назарияси</i>	О.Штарк, Д.Мэсси, К.Эспиноза, Дж.Тэйлор	Ижтимоий тармоқларни ҳисобга олиш оилавий стратегия саналади, бу даромад манбаини тўғри аниқлашга, уй хўжаликлари таваккалчиликларини камайтиришга, молия ресурсларига йўл очишга қаратилган.
Неоклассиклар <i>миграциянинг макро назарияси</i>	Д.Харрис, М.Тодаро	Аҳолининг кўчиши меҳнатга талаб ва таклиф ўртасидаги ҳудудий тафовутлар таъсирида содир бўлади.
	М.Пиоре	Сегментлаштирилган меҳнат бозори назариясига кўра, миграция мамлакат иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, ишчи кучи танқислигини бартараф этувчи омиллардан биридир
Замонавий назариялар	Л.Л.Рыбаковский	Ишчи кучининг ҳаракати–кишиларнинг турар жойлари ва меҳнатни таклиф қилиш жойлари билан тавсифланадиган ҳудудий кўчувчанлигини ифодалайди
	Е.В.Виноградова	Ишчи кучи ҳаракатчанлигига оид қуйидаги ёндашувлар аниқланди: биринчидан, ишчи кучининг иш ўринлари ўртасидаги жойлашиш жараёни; иккинчидан, кўчишга тайёрлик ва қобилият; учинчидан, иқтисодиётда банд аҳолининг ҳудудий нисбатларини бошқаришнинг иқтисодий механизмига асосланган.

Миграциянинг асосий детерминанти мамлакатдаги турли гуруҳлар ўртасидаги фарқ, тафовут ҳисобланади. Д.Харрис, М.Тодароларнинг миграция–нинг неоклассик макроназарияси<sup>18</sup> бўйича, аҳолининг кўчиши меҳнатга талаб ва таклиф ўртасидаги ҳудудий тафовутлар таъсири остида рўй беради. АҚШда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, мексикалик мигрантларни АҚШга ундовчи сабаб, “бу ерда ишчи ўринларининг кўплиги” дир<sup>19</sup>.

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>18</sup> Harris J., Todaru M. Migration, unemployment, and development: a two-sector analysis // American Economic Review. 1970. №60. –P. 126–142.

<sup>19</sup> Bartletti D. Why People Migrate Internationally. 2005. (<http://weber.ucsd.edu/~wcorneli/lecture2.ppt>).

XX асрнинг 60-йилларида иқтисодий ўсиш модели доирасида халқаро миграция муаммолари тадқиқ этилиб, ишчи кучининг халқаро ҳаракати иқтисодий ўсиш суръатига ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида таъсир кўрсатиши, унинг асосий сабаби мамлакатлар ўртасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг фарқланишида эканлиги асослаб берилди. Неоклассик йўналиш тарафдорлари ёндашуви бўйича ҳар бир инсон меҳнатга яраша ҳақ олади ва истеъмол қилади, миграция иммиграция қилган мамлакатлар фаровонлигининг ўсишига таъсир кўрсатади.

Неокейнсчиларнинг фикрича, айнан юқори малакали ишчиларни эмиграция қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий ҳолати ёмонлашиши мумкин. Шу сабабли, БМТнинг қарорига асосан «ақлнинг оқиши» юқори малакали мутахассисларнинг четга чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида уларнинг даромадидан солиқ олиш ва ривожланиш эҳтиёжларига ишлатиш кенг муҳокама қилинди. XXI аср бўсағасида миграцияни таҳлил қилиш натижасида инсон капиталининг тўпланиши мамлакат иқтисодий ўсишига эндогеник омил сифатида таъсир кўрсатиши аниқланди.

Ишчи кучи ҳаракатининг турли формаларини тавсифлаш учун илмий адабиётда ҳаракатчанлик, кўчувчанлик ёки мобиллик, миграция каби тушунчалар қўлланиб, уларни тадқиқ қилиш жараёнида воқеа-ҳодисаларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Ишчи кучи мобиллиги бу – ҳаракатчанлик, бошқа жойга жойлашиш қобилиятидир. Мавжуд нуқтаи назарга мувофиқ, аҳолининг ҳудудлараро ҳаракати, хусусан, ишчи кучининг ҳаракати, кишиларнинг турар жойлари ва меҳнатни таклиф қилиш жойлари билан тавсифланадиган ҳудудий кўчувчанлигини ўзида ифодалайди<sup>20</sup>. Бунда кўчиш бир географик ҳудуд ичида ва ҳудуд ташқарисида бўлиши мумкин.

Россиялик олим Е.Тюрюканованинг фикрича, ишчи кучи миграцияси моделлари савдо оқимлари динамикаси билан ўхшаб кетади: мамлакатнинг ривожланиш даражаси ортиши билан нафақат айирбошланадиган товарларнинг тарқалиб кетиши кузатилади, бу билан бирга мигрантларнинг сифат кўрсаткичлари, салоҳияти, малака, кўникма таркиби ҳам кенгайди<sup>21</sup>. Халқаро савдо моделларида табиий ресурсларнинг ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари, шу жумладан, капитал ва ишчи кучининг нотекис жойлашуви ўз ифодасини топади<sup>22</sup>.

Ташқи савдонинг классик назарияси ишчи кучининг мамлакатлар ўртасида кўчиб юриши мавжуд эмаслигидан келиб чиққан. XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги ишчи кучининг ҳаракатланиши мустамлакачилик оқибати бўлиб, давлат томонидан назорат қилиниши лозим бўлган. XIX асрнинг II ярмидагина мазкур назарияга, бир томондан, капитал ва ишчи кучи

---

<sup>20</sup> Рыбаковский Л.Л. Концепция миграционной политики: (Методологические вопросы) //– М.: ИСПИ, 2002. –С. 26.

<sup>21</sup> Тюрюканова Е. Современный миграционный режим и его особенности в России // Методология и методы изучения миграционных процессов. Под ред. Ж.Зайончковской, И.Молодиковой, В.Мукомеля. – М.: 2007.–С.107.

<sup>22</sup> Покшишевский В.В. Миграция населения (вопросы теории). – М.: 2003. –С. 17.

ўртасидаги, иккинчи томондан эса савдо билан ўзаро алоқадорлик ғояси киритилди.

Р. Манделлнинг фикрича, савдо тўсиқлари ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатини рағбатлантиради, чекловлар эса товарлар савдосига ижобий таъсир кўрсатади<sup>23</sup>. Бу эса ЕИдаги интеграция жараёнининг ЕИ мамлакатлари ўртасидаги товарлар савдоси кенгайишига ва ишчи кучи миграциясининг қисқаришида кўмак бўлишига умид қилиш имконини беради.

Аммо, халқаро иқтисодий жараёнлардаги меҳнат миграциясининг хусусиятини ва аҳамиятини белгилашда хорижий инвестициялар орқали ишлаб чиқаришни халқаро миқёсга олиб чиқиш белгилловчи омил ҳисобланади. Товарлар савдоси ва меҳнат миграцияси бир-бирини тўлдирувчи ҳодиса ҳисобланади, яъни муайян малакали ишчи кучи экспорт товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган томонга қараб интилади, масалан, ахборот таъминоти ходимлари, дастурчилар, муҳандислар дастур пакетлари ишлаб чиқариладиган йирик ахборот марказларига интилади.

Назарий жиҳатдан интеграцион маконда ишлаб чиқаришнинг чегараси ва шунга мувофиқ равишда иш ҳақи бараварлашмас экан, ишчи кучи миграцияси мавжуд бўлаверади. Бунга асос – миграция учун тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги, малака даражасининг ўзаро тан олиниши, маданий ва тил тафовутлари ҳал қилувчи ҳисобланмаслиги шартидир.

Бу назарияда миграция тўғрисида қарор қабул қилишда ижтимоий-маданий мансубликнинг аҳамияти кам даражада ҳисобга олинади. Ваҳоланки, ЕИ фуқароларига нисбатан қўлланилувчи турли миграция моделларининг далолат беришича, миграция оқимларининг миқдорини ёки йўналишини белгилашда миллий муносабатлар, тарихий мезон ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Интеграция назарияси қойдаларидан қатъий назар капиталнинг ва товарнинг ҳаракати иш ҳақи ва ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасидаги тафовутларни бартараф этишда меҳнат миграциясидан кўра муҳимроқ воситага айланди. Иш ҳақидаги минтақалараро тафовутларнинг баробарлашуви капитал, товарлар оқими ва меҳнат миграцияси орқали амалга оширилиши лозим.

Айрим шахслар, оилалар ёки уй хўжаликлари турмуш шароитидаги у ёки бу кўрсаткичларнинг, миграция тўғрисида қарор қабул қилиш нуқтаи назардан муҳим бўлган кўрсаткичларнинг ўзгаришига миграцион жавоб микродаражада ўрганилади. Бундай ёндашув миграцион хулқ-атвор қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарур. Умуман, ишлаб чиқилган назариялар, концепциялар миграцияни башорат қилишда муҳим бўлган моделлар ва фаразларга асос бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда ишчи кучининг иш билан бандлигини таъминлашда ишчи кучи миграциясининг аҳамиятига алоҳида ўрин ажратилган.

Л.П.Максакованинг фикрича, мигрант ишчилар хориж корхоналарида ишни ташкил этиш, уни бошқариш, бозор иқтисодиётида унумли меҳнат қилиш ва тегишли замонавий билимларни ўрганиб, тажриба ва малакаларини бойитиб

<sup>23</sup> Покшишевский В.В. Миграция населения (вопросы теории). – М.: 2003. –С. 17.

қайтади ҳамда ишчи кучини экспорт қилиш республика валюта тушумларининг сезиларли манбаи бўлиб қолади ва натижада ушбу даромад ҳисобига янги иш жойлари барпо этиш имконияти ортади<sup>24</sup>.

Р.А.Убайдуллаеванинг илмий тадқиқотларида ишчи кучи миграциясини келтириб чиқарувчи сабаблар, уларнинг аҳамияти, афзалликлари ёритиб берилиши билан бир қаторда, уни халқаро тажриба асосида ташкил этишга йўналтирилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган<sup>25</sup>.

О.Б.Ата-Мирзаев мамлакатимиз ёшларининг қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан узоқ хорижий давлатларга вақтинчалик бориб келиш тенденцияси ўсаётганлигини аввало даромад топиш истаги, билим олиш, иш ўрганиш, тажриба алмашиш эканлиги билан изоҳлайди<sup>26</sup>. Мамлакатимизда мавжуд бўлган юқори меҳнат салоҳиятидан, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун ушбу йўналиш бўйича амалий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида ишчи кучи миграциясига оид турли қарашларни таҳлил қилиш асосида ҳозирги давр ишчи кучи миграциясига қуйидагича такомиллашган муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилди. Унга кўра, ишчи кучи миграцияси – аниқ рўёбга чиқиш даражасидаги меҳнат миграцияси бўлиб, унинг даромад топиш, иқтисодий-ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида бирор меҳнат тури билан фаолият олиб боришга қарор қилгандан сўнг бошқа жойга ишлаш учун кўчиб ўтишга, жойлашишга тайёрлиги, кириш мамлақатида ўз ишчи кучини сотиши ва шунга мувофиқ иш ҳақи олиши, вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориб доимий яшаш жойига вақти-вақти билан, даврий ёки бутунлай қайтиб келишидир.

Мигрантлар ўз ватанларига қайтгач, ўзлари билан янги билимларни, тажриба, кўникмаларни олиб қайтадилар. Бу эса ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлигини ортишини таъминлайди, ишлаб чиқариш функциясидаги миллий даромадлар ўсиши суръатларини ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдорини оширади. Мутахассисларнинг ривожланган мамлакатлар юқори технологияли тармоқларида ва унга турдош ноу-хау ишларида тажриба-малака ортириб, ўз ватанларига қайтишлари миллий ишлаб чиқаришнинг инновацияси ва самарадорлигининг ўсиши учун шарт-шароитлар яратади.


---

<sup>24</sup> Максакова Л.П. Миграция и рынок труда в странах Средней Азии. – Т.: Брейд-Стайл. 2002.–С.136.

<sup>25</sup> Убайдуллаева Р.А. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития // Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. Материалы Республиканской научно-практической конференции. – Т.: 2009. –С.14–23.

<sup>26</sup> Ата-Мирзаев О. Потенциал сельско-городской миграции молодежи в Узбекистане. –М.: 1999.–С.28.





**1-расм. Миграция – иқтисодий ўсишни таъминловчи омил сифатида<sup>27</sup>.**

1-расмда ифодаланган моделда меҳнат миграцияси янги билимлар ва капиталлар танқислигига эга, лекин ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган ривожланаётган мамлакат моделида турли йўللار орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиб, иқтисодий ўсишни таъминловчи омил бўлади. Оқилона бошқариладиган миграция миллий жамғармаларни кўпайтиришни рағбатлантира олса, иқтисодиётнинг янада юксалишига олиб келади.

Бизнинг тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, учта омил – даромадлар ўзгаришидаги тенденция, аҳоли сони ва транспорт ҳаражатлари кишиларнинг кўчишига туртки бўлади. Лекин, ушбу кўчиш ҳамма вақт қонуний ва маъмурий жиҳатдан назорат қилиниб турилиши муҳим аҳамиятга эга.

<sup>27</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида ишчи кучи миграциясини тартибга солиш, миграция сиёсатининг устувор йўналишлари асослаб берилди. Ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш бу жараёнда иштирок этувчи барча субъектлар: ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакат, ишчи кучини импорт қилувчи мамлакат, иш берувчилар, бандликка кўмаклашувчи органлар ва меҳнаткаш-мигрантлар манфаатларининг мувофиқлигига йўналтирилиши лозим.

Давлатнинг меҳнат миграцияси ривожланиши борасидаги муҳим вазифаларидан бири – меҳнат миграциясининг миллий иқтисодиётга ижобий таъсирини имкон қадар кўпайтириш, норасмий миграциянинг олдини олиш, меҳнаткаш-мигрантларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш<sup>28</sup>.

Ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишнинг асосий дастаклари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Давлатнинг меҳнат миграцияси бўйича турли халқаро Конвенцияларга қўшилиши. Миллий қонунчилик асосида меҳнаткаш–мигрантларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш.

2. Манфаатдор мамлакатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳукуматлараро келишувлар, битимлар тузиш. Уларда сон квотаси, ишга ёллаш шартлари, меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш кафолати, норасмий кириб келишга қарши чоралар, миграциянинг давомийлиги, қайтишлилиги каби мажбуриятлар келишиб олинади.

3. Ҳамма мигрантлар устидан ўрнатиладиган тўғридан-тўғри маъмурий назорат уларга хориж паспорти бериш, чиқиш визаларини расмийлаштиришда чекловлар ўрнатиш, касб-малакасига нисбатан аниқ талаблар қўйиш, ишчи кучи импорти давлат монополиясига чек қўйиш орқали амалга оширилади.

4. Хорижда ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш. Ушбу метод қатор вазифаларни ҳал қилишда энг қулай саналади, аввало, ишчи кучини ёллаш шартларини назорат қилиш, норасмий миграциянинг олдини олиш, меҳнаткаш-мигрантларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлайди.

Миграция жараёнларини бошқаришнинг хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, хориж ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларда ишчи кучи сифатига талаблар қўйилиши (маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, мутахассислик бўйича иш стажи); келувчилар учун ёш чегарасини ўрнатиш; соғлиғи тўғрисидаги маълумотнома; ишчи кучи импортининг сон квотаси; миллий-худудий устунликлар; иммигрантларни жалб қилишга йўналтирилган махсус дастурлар; мигрантлар меҳнатидан ноқонуний фойдаланувчилар, ишчи кучининг ноқонуний импорти билан шуғулланувчиларга нисбатан жазо чоралари тизими ишлаб чиқилади.

Ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатларнинг миграция сиёсати қуйидаги воситаларни ўз ичига олади<sup>29</sup>:

---

<sup>28</sup> Регент Т.М. Миграция в России: Проблемы государственного регулирования // Регулирование миграции в странах СНГ: законотворчество и трансграничное сотрудничество /Открытый форум МОМ. Спецвыпуск – М.: 1999. № 3. – С. 24.

<sup>29</sup> Пузакова Е.П. Международные экономические отношения. Учеб. Пособие. – Ростов-на-Дону: Изд. Центр. – 2008. –С.325.

– меҳнаткаш мигрантлар учун қулай меҳнат, яшаш шароитларини яратиш ва ишга жойлаштириш, молиявий ҳамда ҳуқуқий кафолатларни тақдим этиш бўйича талаблар тизими;

– хориждан пул ўтказмаларини рағбатлантирувчи валюта ва банк сиёсатини ўтказиш; валюта жамғармалари бўйича имтиёзлар бериш (депозитлар бўйича юқори фоиз, солиқлардан озод қилиш, хориж валютасидаги ўтказмаларга имтиёзли почта ва телеграф тарифлари ва б.);

– қайтиб келаётган меҳнаткаш мигрантларга қулайликларни кўзда тутувчи божхона сиёсатини ўтказиш;

– эмигрантлар учун иш ўринлари топиш дастурларини ишлаб чиқиш;

– реэмигрантларга уй-жой сотиб олиш, қуриш, хусусий бизнесини очиш учун имтиёзлар ва кредитлар бериш.

Ташқи миграция жараёнларини бошқаришнинг муҳим шаклларида бири иммиграция назорати тизими ҳисобланади. Иммиграция назоратини ўтказишдан мақсад – иммигрантлар оқимини бошқаришдир. Халқаро ишчи кучи миграция жараёни уч даражада бошқарилади:

1. Миллий даражада – алоҳида давлатнинг ўз мамлакатида миграция сиёсатини амалга ошириш бўйича тадбирлар йиғиндиси.

2. Халқаро даражада – жаҳон ҳамжамияти ҳудудларида ишчи кучи миграциясини амалга ошириш чоралари йиғиндиси.

3. Интеграцион даражада – турли интеграция уюшмалари доирасида ишчи кучи миграциясини бошқариш бўйича тадбирлар йиғиндиси.

Миграция сиёсати қуйидаги органлар томонидан амалга оширилади:

1. Миллий даражада – Меҳнат вазирлиги; Адлия вазирлиги; Ички ишлар вазирлиги; миграция хизматлари органлари; бандликка кўмаклашувчи ташкилотлар.

2. Халқаро даражада – Халқаро Меҳнат Ташкилоти; Халқаро Миграция Ташкилоти.

3. Интеграцион даражада – турли интеграция ташкилотларига аъзо давлатлар ўртасида тузилган шартнома, келишув, битимларни бажариш орқали амалга оширилади (масалан, ЕИ, «НАФТА»).

Иқтисодий тараққиёт аҳоли сонига, унинг меҳнатга лаёқатли қисми миқдорига ва ҳудуд бўйлаб қандай жойлашганлигига боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда ХХI аср бўсағасида меҳнат ресурсларининг умумий ва таркибий етишмовчилиги кузатилмоқда. Аҳоли сонининг қисқариши, қарияларнинг кўплиги, аҳолининг қариши, меҳнатга лаёқатли ва меҳнатга лаёқатсиз қисмлари ўртасидаги нисбатларнинг ўзгариши яқин келажакда ривожланган мамлакатларнинг демографик кўринишини янада яққолроқ кўрсатиб беради<sup>30</sup>. Бугунги кунда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра, иммигрантлар ривожланган мамлакатларнинг демографик ҳолатини яхшилади. Францияда, Германияда, Швецияда ҳамма туғилаётган ёш чақалоқларнинг 10% и кўчиб келганлар ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич Швейцарияда – 24%, Люксембургда – 38% ни ташкил этади.

<sup>30</sup> «Международные экономические отношения», Под ред. Стровского Л.Е. –М.: Изд.: ЮНИТИ-ДАНА. 2003. –С.57.

БМТ Тараққиёт Дастурининг 2009 йил ҳисоботи маълумотларига кўра, меҳнат мигрантларининг 50% и ўз яшаш ҳудудлари чегарасида, 40% и кўшни ва яқин давлатларда меҳнат фаолиятини олиб боришади. Шу билан бирга ишчи кучини импорт ва экспорт қилувчи мамлакатлар ўртасидаги яқинлик нафақат географик жиҳатдан, балки диний ва тил омиллари билан ҳам аниқланади. 10 та мигрантдан тахминан 4 таси шу давлатнинг тилини билади<sup>31</sup>.

Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг социологик тадқиқотларига кўра, жаҳондаги мигрантларнинг 52 % ини эркаклар ва 48% ини аёллар ташкил этмоқда. Европа Иттифоқи давлатларида XXI аср бошида эркаклар улуши 48% дан 52% га кўтарилган бир пайтда Осиё давлатларида аксинча, эркаклар улуши 47% дан 45% га пасайди<sup>32</sup>.

## 2-жадвал

### 2002 – 2008 йиллар давомида умумий бандлар сонидagi мигрантлар улуши<sup>33</sup>, % ҳисобида

	Австрия	Бельгия	Буюк Британия	Германия	Испания	Люксембург	Швейцария
2002 й.	11,2	8,6	4,6	9,2	4,5	61,2	20,9
2003 й.	11,8	8,5	4,8	9,4	5,1	61,9	20,6
2004 й.	12,2	9,1	5,2	9,1	5,4	62,9	20,6
2005 й.	12,4	9,2	5,4	9,3	8,1	64,0	20,9
2006 й.	12,7	9,3	6,3	8,5	8,5	64,9	21,0
2007 й.	13,1	9,5	7,2	9,4	9,0	66,6	21,3
2008 й.	13,4	9,6	7,8	10,9	8,2	66,7	22,4
2008 йилда 2002 йилга нисбатан ўсиши	2,2	1,0	3,2	1,7	3,7	5,5	1,5

Халқаро ишчи кучи миграциясининг таркибини, миқдорини таҳлил қилиш қатор хусусиятларни аниқлаш имконини берди. 2-жадвал маълумотлари орқали ривожланган давлатларда умумий бандлар таркибида мигрантларнинг улуши салмоқли ўрин тутиши ва ўсиб бориш тенденциясига эга эканлигини кўриб турибмиз. Ғарбий Европа мамлакатларида хориж ишчи кучи асосан қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд. Ушбу тармоқларда хориж ишчи кучининг улуши 70% ни ташкил этади. Охирги 10 йилларда савдо тармоқларида ишлайдиган иммигрантларнинг сони 50% га, хизмат кўрсатиш соҳасида эса 70% га кўпайди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра, мигрантларнинг ўртача ёши 32–33 ёшни, уларнинг 75 % дан ортиғини 40 ёшдан кичиклар ташкил қилади<sup>34</sup>.

<sup>31</sup> Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие / Пер с англ.; ПРООН – М.: Изд-во «Весь Мир», 2009. – 232 с.

<sup>32</sup> Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие / Пер с англ.; ПРООН – М.: Изд-во «Весь Мир», 2009. – 232 с.

<sup>33</sup> Caldwell J. C. Toward a restatement of demographic transition theory // Population and Development Review. 2008, Vol. 2. № 3 – 4. P. – 321–366.

БМТнинг башоратларига кўра, 2000–2050 йилларда ривожланган мамлакатларда мавжуд аҳоли сонини сақлаш, иқтисодий фаол қисмини қоплаш, ўрнини тўлдириш учун амалдаги нетто-иммиграция муҳимдир. 2050 йилларда ЕИ аҳолисини 2000 йиллар даражасида сақлаш учун йилига 949 минг чет элликларни қабул қилиш керак; мавжуд иқтисодий фаол аҳоли сонини сақлаш учун 1,4 млн., иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли ўртасидаги нисбатни камайиб кетишининг олдини олиш учун эса 12,7 млн. чет элликларни қабул қилиш керак бўлади. Сўнги ҳолатда иммигрантлар умумий оқими 50 йил ичида 700 млн. ни ҳамда ўша даврга келиб иммигрантлар ва уларни авлодларининг Европа Иттифоқи аҳолиси сонисидаги улуши 75% ни ташкил қилиши мумкин бўлар эди<sup>35</sup>.

Тадқиқот ишида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг миграция сиёсати тизимлари қиёсий таққосланганда қатор тенденциялар мавжудлиги аниқланди, ривожланаётган давлатларнинг 92% и ва ривожланган давлатларнинг барчаси юқори малакали ишчи кучига мойиллиги кузатилди. Доимий малакали миграция учун бу кўрсаткич ривожланаётган давлатларда 62% ва ривожланган давлатларда 93% га тенг. Таҳлил этилган ривожланаётган давлатларнинг 38% ида ва ривожланган давлатларнинг ярмида малакасиз ишчиларнинг доимий миграцияси учун рухсат берилмаган<sup>36</sup>. Бу билан юқори малакали ишчи кучига эга бўлинади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашдаги ҳаражатлар камаяди. Германиянинг энг машҳур IBM Deutschland, Digital Equipment ва Siemens-Nixdorf компаниялари 2000 йилларнинг бошларидан Россия, Шарқий Европа, Ҳиндистон каби давлатлардан компьютер технологиялари бўйича юқори малакали мутахассисларни фаол равишда жалб қила бошлади.

Ишчи кучи миграциясининг намоён бўлиш шаклларида бири “ақлларнинг оқиши”дир. Тадқиқот ишида ҳам юқори малакали мутахассисларнинг хорижда ишлаш учун чиқиб кетишлари – “ақлларнинг оқиши” масаласи ўрганиб чиқилди ва халқаро ишчи кучи миграциясининг “ақлнинг оқиб ўтиши” шакли барқарор суръатлар билан ривожланаётгани аниқланди. Ривожланаётган мамлакатлардан юқори малакали кадрларнинг миграцияси шаклланди. Бу омил ривожланаётган мамлакатларда жиддий салбий ўзгаришларга олиб келади, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг аксарият қисмини капитал билан таъминлайди. Индустириал ривожланиш йўналишини янги мутахассислар билан таъминлаш жуда муҳимдир. АҚШда 1970–80 йилларда инженерларнинг 10% дан кўпроғини, врачларнинг 20% дан кўпроғини хорижликлар ташкил қилган.

Фан, илмий тадқиқот соҳасидан “ақлларнинг оқиб кетиши”, олимларнинг хорижга, бошқа фаолият соҳаларига кетиб қолишини англатади. “Ақлларнинг оқиб кетиши” ибораси кўпинча “иқтисодий хавфсизлик”, “технологияларнинг оқиб кетиши”, “ғояларнинг ўғирланиши” каби тушунчалар билан уйғунликда

<sup>34</sup> Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие / Пер с англ.; ПРООН – М.: Издательство «Весь Мир», 2009. – 232 с.

<sup>35</sup> Глущенко Г.И. Влияние международной трудовой миграции на развитие мирового и национального хозяйства. –М.: “Наука”, 2006. – 28 с.

<sup>36</sup> Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие / Пер с англ.; ПРООН – М.: Издательство «Весь Мир», 2009. – 232 с.

қўллана бошланди. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилотининг берган баҳоларига кўра, 1990–2010 йилларда Россиядан барча йўллар орқали илм-фан соҳасини тарқ этган олимлар ва муҳандислар умумий миқдоридан 10-15 фоизи кўчиб кетган<sup>37</sup>. 2009 йил жаҳонда ишчи кучи миграцияси қатнашчиларининг 23,5% и олий, 32,7% и ўрта махсус, 41,0% и тугалланмаган ўрта маълумотлилардан иборат бўлган бўлса, Ўзбекистонда эса ушбу жараён янада яққол намоён бўлиб, 33,9% олий маълумотлилар, 40,0% ўрта махсус, 25,0% тугалланмаган ўрта маълумотлилар ташкил этди<sup>38</sup>.

Бугунги кунда юқори малакали мутахассислар меҳнат қилган ва таълим олган давлатларида турли илмий жамият, ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладилар. У ерда турли йўналишларда олинган билим, тажриба, малакаларини маълум вақтдан сўнг ўз мамлакатларида қўллаш мамлакат фани, илми ва иқтисодиёти ривожланишига ҳисса қўшадилар.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, 2010 йилда 214 млн. дан ортиқ одам ўзи туғилиб ўсган юртдан ташқарида истиқомат қилмоқда<sup>39</sup>. Меҳнат мигрантлари ҳуқуқий ҳолатининг аниқ-равшан белгилаб қўйилиши халқаро меҳнат миграцияси жараёнида иштирок этадиган шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг муҳим воситалари қаторига киради ва бу борада халқаро ҳуқуқий тизим юзага келган. Жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид универсал ҳужжатларида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт, Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактда бу ҳақдаги принципиал норма ва қоидалар назарда тутилган. Меҳнат миграциясининг кучайиши фуқаролар кетаётган мамлакатлар учун қатор муаммоларни юзага келтирди. ХМТнинг "Мигрант меҳнаткашлар тўғрисида"ги, "Ижтимоий таъминот соҳасида мамлакат фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслар ҳуқуқларининг тенглиги ҳақида"ги, "Миграция соҳасидаги суистеъмолчилик ва мигрант меҳнаткашларга тенг имконият ҳамда мурожаат қилиш ҳуқуқларини бериш тўғрисида"ги, "Халқаро меҳнат нормаларини қўллашга кўмаклашиш мақсадида уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида"ги, "Ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқларнинг сақланишига қаратилган халқаро тизимларни ўрнатиш ҳақида"ги Конвенция ҳамда тавсиялар мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистонда миграция жараёнларининг таркиби ва ривожланиш тенденциялари, республикамиздаги меҳнат бозори каби миграция билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинди. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучая боргани сари халқаро меҳнат бозоридаги алмашувда фаол иштирок этиш шарт-шароитлари пайдо бўлди.

<sup>37</sup> Интеллектуальная миграция и некоторые аспекты экономической безопасности. <http://www.demoscope.ru/weekly/2005/0207/analit01.php-39#39>.

<sup>38</sup> Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие / Пер с англ.; ПРООН – М.: Издательство «Весь Мир», 2009. – С.154.

<sup>39</sup> International migration 2010. New York, United Nations, 2010. P. 1.

БМТнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб Ўзбекистонда 40 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди. Табиийки, бу ҳолат миграция жараёнларини самарали бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масаласини ҳал қилишни тақозо этади. Ишчи кучи экспорти иқтисодий ресурс сифатида мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва аҳоли турмуш даражасининг ошириш стратегиясини амалга оширишга ёрдам берувчи муҳим жиҳатлардан бирига айланиши мумкин. Узоқ истиқболда (2025–2050 йилларгача) аҳоли ўсишининг барқарор узоқ муддатли камайиш тамойили кучаяди<sup>40</sup>. Ўзбекистон аҳолиси сонининг йиллик ўсиш суръати 2025 йилга бориб 0,9 фоизга ва 2050 йилга бориб эса, 0,5 фоизгача камаяди. Аҳолининг умумий миқдори 2025 йилда 34,2 млн. кишидан, 2050 йилда эса 40,5 кишидан иборат бўлади. Жумладан, 2025 йилда 0–14 ёшлилар аҳолининг 24,4 фоизини, 2050 йилга бориб 2000 йилдаги 36,3% га нисбатан 19,9 фоизни ташкил қилади. Айти пайтда аҳолининг ишга лаёқатли қисми (15–59 ёшлилар) 2025 йилда 63,9 фоизга ўсади. Лекин узоқ истиқболда ушбу кўрсаткич пасайиб, 2050 йилга бориб 57,8 фоизга тушади. Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта кишилар (60 ёш) сони ортиб, 2025 умумий аҳолига нисбатан 11,7 фоизни, 2050 йилга келиб 22,3 фоизни ташкил этади<sup>41</sup>.

### 3–жадвал

#### Ўзбекистон аҳолисининг ёши бўйича таркиби<sup>42</sup>

Йиллар	0–15 ёшдагилар	16–59 ёшдагилар	60 ёшдан катталар
2000	39,8	53,0	7,2
2005	35,0	57,9	7,1
2006	34,2	58,7	7,1
2007	33,3	59,5	7,2
2008	32,7	60,1	7,2
2009	32,5	60,3	7,2

Ҳозирда Ўзбекистон аҳолиси таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 60,2% ни, 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар деярли 32,6% ни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 7,2 ни ташкил қилади. Аҳолининг ўртача ёши 25,5 ёш, шу жумладан, қишлоқда 24,1, шаҳарда 27,9 ёшга тенг<sup>43</sup>. Бу, халқаро демографик таснифга кўра, Ўзбекистонни аҳолиси ёш давлатлар қаторига киритиш имконини беради. Яқин ва узоқ истиқболда Ўзбекистон катта меҳнат салоҳиятига эга бўлади.

2008 йилда 660,9 минг ва 2009 йилда 940 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Бу ҳудудий бандлик дастурларида кўзда тутилган прогноз кўрсаткичларидан 5,6% га кўп, иш ўринларининг яратилиши иқтисодий ўсиш суръатлари кўтарилишига, саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожлантиришига сабаб бўлди. Аҳоли бандлиги асосан, кичик бизнес ва

<sup>40</sup> Инсон тараққиётида БМТ Мингйиллик мақсадлари декларациясининг ўрни. БМТ “Мингйиллик тараққиёт дастури” маълумотлари асосида. 2008.–б. 41.

<sup>41</sup> Инсон тараққиётида БМТ Мингйиллик мақсадлари декларациясининг ўрни. БМТ “Мингйиллик тараққиёт дастури” маълумотлари асосида. 2008.–б. 43.

<sup>42</sup> Альманах. Ўзбекистон 2010. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2010.–б. 41.

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобига таъминланди. Бу янги ишчи ўринлар умумий сонининг 47,4% ини ташкил қилди<sup>44</sup>.

Турмуш даражаси индекси бўйича Ўзбекистон 175 жаҳон мамлакатлари рўйхатида 107 ўринни эгаллайди<sup>45</sup>. Ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 4–6% ини, Халқаро меҳнат ташкилоти методологияси бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоб-китобларига кўра, республикада ишсизликнинг реал даражаси 4,9% ёки 567,7 минг кишини ташкил этади<sup>46</sup>. Халқаро мезонларга кўра, бу кўрсаткич унча катта эмас ва табиий ишсизлик даражасига яқин ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари сонининг жадал ўсиши, уларнинг таркибида ёшлар салмоғининг кўплиги, қишлоқ жойларида кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг мавжудлиги ишсизлик муаммосига жиддий муносабатни талаб қилади. Бундай шароитларда юқори даромад топиш, самарали бандликка эришиш мақсадида бошқа давлатларга иш излаб чиқиб кетиш ҳоллари кузатилмоқда<sup>47</sup>.

#### 4-жадвал

#### Россия меҳнат бозорига асосий ишчи кучини етказиб берувчи давлатлар<sup>48</sup>

	2000	2004	2008	2008 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши (марта)
Жами хорижий ишчи кучи, минг киши	213,3	460,4	2426,0	11,3
МДХ давлатларидан	106,4	221,2	1780,0	16,7
1. Ўзбекистон	6,1	24,1	344,6	56,5
2. Арманистон	5,5	17,0	73,4	13,3
3. Грузия	5,2	3,8	4,7	9,04
4. Молдова	11,9	22,7	93,7	7,8
5. Озарбайжон	3,3	9,8	57,6	17,4
6. Тожикистон	6,2	23,3	250,2	40,3
7. Туркманистон	0,2	0,3	2,1	1,05
8. Украина	64,1	108,6	209,3	32,6
9. Қирғизистон	0,9	8,0	109,6	12,3
10. Қозоғистон	2,9	4,2	7,6	2,6
МДХдан ташқари давлатлардан	106,9	238,5	645,0	60,3
11. Хитой	26,2	94,1	228,8	8,7
12. Корея Республикаси	8,7	14,7	32,6	3,7
13. Вьетнам	13,3	41,8	79,8	6
14. Туркия	17,8	48,0	131,2	7,37

Ўзбекистон асосан ишчи кучини экспорт қилувчи давлат ҳисобланса-да, лекин бир вақтнинг ўзида у хориж ишчи кучини импорт ҳам қилади. Хориж ишчи кучини қабул қилиш кўрсаткичлари Ўзбекистон аҳолисининг ташқи

<sup>44</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. 2008 йил учун ахборот таҳлилий бюллетени. – Т.: 2009. б.15.

<sup>45</sup> Центр новостей ООН, <http://un.org/Russian/esa/hdr/2004/index.html>

<sup>46</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. 2008 йил учун ахборот таҳлилий бюллетени. – Т.: 2009. б.15.

<sup>47</sup> Узбекистан: Оценка уровня жизни населения. Документ Всемирного Банка. 2008. –С. 33.

<sup>48</sup> РОССТАТ ва Россия Федерал Миграция хизматининг 2006-2008 йиллардаги ишлаш учун берилган ружсатлар сони асосида ҳисобланди.



бандлик кўрсаткичларидан бир неча баробар кам. Асосан, Туркия, Корея Республикаси, Афғонистон, Хитой ва Марказий Осиё фуқаролари Ўзбекистонда ишлаш учун келишади<sup>49</sup>. Тадқиқот ишида Ўзбекистоннинг ташқи меҳнат миграциясидаги иштироки, бу борада ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тадқиқ қилинди. Хусусан, Россия меҳнат бозорига ишчи кучи етказиб бераётган давлатлардан асосийларидан бири Ўзбекистондир (4–жадвал).

Охирги вақтларда ишчи кучи экспорти соҳасида давлат томонидан ҳуқуқий асосларнинг яратилиши, бу масалага эътиборнинг кучайиши туфайли Ўзбекистонда фуқароларни хорижга ишга юборишни ташкил этиш миқдори ўсди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарорига ва ташқи меҳнат миграцияси билан шуғулланувчи Агентлик ҳақидаги низомга мувофиқ, хорижда меҳнат фаолиятига эга бўлган Ўзбекистон фуқароларига ўрнатилган тартибда ижтимоий ҳимоя таъминланади.

Ташкил этилган меҳнат миграцияси бўйича асосий ҳамкорлар Корея Республикаси ҳамда Россия бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси билан шуғулланувчи Агентлик ва Корея тадбиркорлар Ассоциацияси билан имзоланган шартномага мувофиқ, 1995–2008 йилларда Ўзбекистондан 24 мингдан ортиқ киши Корея Республикасида ишлаб қайтди. Россияда миграция қонунчилигининг эркинлашуви, юқори иш ҳақи имкониятларининг мавжудлиги натижасида ушбу давлат билан турли шартномалар имзоланди. Ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари Россиянинг деярли барча ҳудудларида меҳнат қилмоқдалар<sup>50</sup>.

#### 5-жадвал

#### Россия иқтисодиёти тармоқларида банд бўлган мигрантлар улушининг ўзгариши (% ҳисобида)<sup>51</sup>

Фаолиятнинг асосий турлари	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Хориж ишчи кучи, жами %	100,0	100,0	100,0	100,0
Қурилиш	40,8	40,4	42,1	37,3
Улгуржи ва чакана савдо, автотранспорт воситалари, маиший ускуна, воситаларни таъмирлаш	26,8	19,2	17,1	19,7
Қайта ишлаш саноати	7,1	7,1	10,0	6,9
Коммунал, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш (энага, қарияларни парваришлаш, уй хизматчиси)	2,8	7,0	9,9	10,4
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	7,2	6,5	6,6	6,4
Транспорт ва алоқа	4,6	4,4	3,9	4,1
Фойдали қазилмаларни қазिश	2,0	2,1	2,2	1,7
Иқтисодий фаолиятнинг бошқа турлари	8,7	13,3	8,4	13,5

5-жадвал маълумотлари таҳлили Россиядаги хориж ишчи кучининг 37 %и қурилишда, савдода 19%, хизмат кўрсатиш 10,4%, қолганлари эса қишлоқ хўжалиги, саноат ва транспорт соҳасида банд эканлигини кўрсатмоқда<sup>52</sup>.


<sup>49</sup> Максакова Л. Узбекистан в системе международных миграций. Постсоветские трансформации: отражение в миграциях // Под ред. Ж.А. Зайончковской и Г.С. Витковской // Центр миграционных исследований, РАН. –М.: ИТ "АдамантЪ". 2009. –С. 323-349.

<sup>50</sup> Ўша жойда.

<sup>51</sup> Россия Федерал Миграция хизмати маълумотлари асосида ҳисобланди.

Тадқиқот ишида миграция жараёнининг ижобий натижаларидан бири – мигрантларнинг пул ўтказмалари эканлиги таъкидланди. Пул ўтказмалари оқимлари ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий аҳволи яхшиланишига ҳамда жаҳон молия тизими билан бирга ривожланаётган давлатлар молия тизимининг такомиллашувига жиддий таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади.

2007 йилда дунё бўйича пул ўтказмаларининг ўртача ҳажми аҳоли жон бошига 233 АҚШ долларини ташкил этган бир вақтда, ривожланаётган давлатларга 52 АҚШ доллардан тўғри келди. Йиллик тушумларнинг сезиларли улуши Кариб ҳавзаси давлатларига тўғри келиб, ЯИМнинг 8 % ини ташкил этади.



**2-расм. Ривожланаётган мамлакатларга жўнатилган пул ўтказмалари, (млрд.долл.)<sup>53</sup>**

2-расм маълумотларидаги Жаҳон банкининг йиллик ҳисоботларида қайд этилишича, 2008 йилда расман рўйхатга олинган пул ўтказмалари 308 млрд. АҚШ долларини ташкил этган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли ривожланаётган мамлакатларга жўнатилган пул ўтказмаларининг ҳажми 293 млрд. АҚШ долларини ташкил этди<sup>54</sup>.

Ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатларга хусусий капиталнинг оқиб келиши жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Хусусий капитал оқимининг 82 фоизи 135 та ривожланаётган давлатнинг 20 тасига келиб тушган. Дунё аҳолисининг 51 фоизи яшаб турган иқтисодий ривожланиши паст бўлган мамлакатлар 1990 йилдан 2008 йилга қадар ушбу капитал оқимининг 8,5 фоизини олган<sup>55</sup>. Халқаро валюта фондига ўз тўлов баланслари ҳақида

<sup>52</sup> Олимова С. Этническая ситуация и конфликты в государствах СНГ и Балтии// Адаптация трудовых мигрантов из стран Центральной Азии в России: роль образования. 2005. Под ред. В. Тишкова и Е. Филипповой. М.: УОП ИЭА РАН, 2006. –С. 39.

<sup>53</sup> WORLD BANK : [www.worldbank.org/publications](http://www.worldbank.org/publications) <http://publications.worldbank.org/booksellers>

<sup>54</sup> Ratha D., Mohapatra S., Vijayalakshmi K.M., Xu Z.. Remittance Trends. 2008, p.1,2.

<sup>55</sup> WORLD BANK : [www.worldbank.org/publications](http://www.worldbank.org/publications) <http://publications.worldbank.org/booksellers>

маълумот берадиган 80 та мамлакатдан 52 таси ишчи кучини экспорт қилишдан даромад кўради.

Кўпгина қабул қилувчи мамлакатлар учун пул ўтказмалари оқими ушбу мамлакатларга кўрсатиладиган расмий молиявий ёрдамлар ҳажмидан ортиб кетди<sup>56</sup> ва кам таъминланган аҳоли қатламларининг бевосита бунга эришиши маъносида иқтисодий қийинчиликларни енгиш учун самарали восита ҳисобланади. Улар орқали “ўз-ўзига” ёрдам тамойили амал қилади. Мигрантлар томонидан олинган даромад аксарият ҳолларда турли ижтимоий хизматлар— таълим, тиббий, маданий дам олиш, спорт каби соҳаларга ҳақ тўлаш учун сарфланмоқда, бу эса тегишли маблағларни инсон капиталини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ўтказмалар сифатида талқин этиш имконини беради.

#### 6-жадвал

#### МДХ давлатлари бўйича 2000–2008 йилларда мигрантлар пул оқимининг динамикаси (млн.АҚШ доллари)<sup>57</sup>

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2008 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши
Арманистон	87	94	131	686	813	940	1175	1273	1249	14 марта
Беларусь	139	149	141	222	256	370	334	363	341	1,8 марта
Грузия	274	181	231	235	303	346	485	705	683	2,5 марта
Қозоғистон	122	171	205	147	165	178	188	223	187	1,5 марта
Қирғизистон	9	11	37	78	189	322	739	715	657	7,3 марта
Молдова	179	243	324	487	705	920	1182	1498	1114	6,2 марта
Озарбайжон	57	104	181	171	227	693	812	1287	887	15 марта
Россия	1275	1403	1359	1453	2495	2918	3091	4100	3793	3 марта
Тожикистон	-	-	79	146	252	466	1019	1250	2516	3,2 марта
Ўзбекистон	-	-	310,8	789,8	1354,8	2328,3	3776,6	3232,7	2978	3,8 марта
Украина	33	141	209	330	411	595	829	1170	1690	51 марта

7-жадвалдаги маълумотларга кўра, МДХ мамлакатлари орасида Молдова, Тожикистон, Қирғизистон ва Арманистон учун пул ўтказмалари катта аҳамиятга эга. Барча пул ўтказмаларининг 80% и МДХ давлатлари – Украина, Тожикистон, Ўзбекистон, Арманистон, Озарбайжон, Молдова ва Грузияга тўғри келади. 2008 йилда Молдовага ўтказилган пул ўтказмалари 2000 йилга нисбатан 6,2 марта, Тожикистонда 3,2 марта, Қирғизистонда эса 7,3 мартага кўпайган. Аммо ҳақиқий рақамлар анча юқори бўлиши мумкин. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, мазкур мамлакатларнинг ЯИМдаги пул ўтказмалари улуши Тожикистонда – 45% гача, Молдовада – 38% ва Қирғизистонда 15% гача етади<sup>58</sup>. Мехнат мигрантларининг пул ўтказмалари

<sup>56</sup> IMF Balance of Payment Statistics, World Bank. P.34–39.

<sup>57</sup> IMF Balance of Payments Statistics, August 2007; World Bank, World Development Indicators Database, October 2008. \* Оценка экспертов // Экономическое обозрение. – М.: 2007. №3. –С. 50.

<sup>58</sup> Влияние экономического кризиса на миграционные тенденции и миграционную политику в Российской Федерации и регионе Восточной Европы и Центральной Азии // Аналитический доклад Международной организации по миграции и Федеральной миграционной службы России. – М.: 2009. 78 с.

МДХнинг бир қатор мамлакатлари учун иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

7-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида ЯИМ, халқаро пул ўтказмалари ва хорижий инвестицияларнинг динамикаси<sup>59</sup>**

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2002 й.	2003 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2008 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши
Сўмнинг ўртача йиллик курсида жорий нархларда ҳисобланган ЯИМ	Млн. АҚШ долл.	10142,1	14230,0	17156,4	21849,7	27865,4	30122,5	2,97
Халқаро пул ўтказмаларининг ҳажми	Млн. АҚШ долл.	310,8	789,8	2328,3	3776,6	3232,7	2978	9,6
Хорижий инвестицияларнинг ҳажми	Млн. АҚШ долл.	537,5	512,28	446,1	961,4	1644,1	2308,2	4,3
ЯИМда инвестициялар улуши	% да	22,9	20,8	19,5	19,4	22,7	26,1	1,14
ЯИМда халқаро пул ўтказмаларининг улуши	% да	3,6	5,6	8,2	10	11	9,6	2,7
Хорижий инвестицияларнинг халқаро пул ўтказмалар ҳажмига нисбати	% да	100	64,9	33,0	41,3	43,5	77,5	0,77

2009 йилда жисмоний шахслар томонидан Россиядан ташқарига амалга оширилган пул ўтказмалари 2003 йилга нисбатан 7,2 мартага кўпайган ва 9,44 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, вақтинчалик ёки доимий мигрантларнинг жамғармалари ёлланма ишчиларнинг меҳнатларига ҳақ тўланиши ҳисобига ва уларнинг реципиент мамлакатлардаги инвестиция даромадлари ёки тадбиркорлик фаолиятлари ҳисобига ҳам шаклланади. Бу ҳолда жамғарма манбалари янада диверсификацияланган ва барқарор бўлади. МДХ давлатларидаги таҳлилчилар пул ўтказмалари умумий ҳажмининг аста-секинлик билан пасайишини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири билан боғламоқдалар. Россиядаги меҳнат мигрантларининг Марказий Осиё давлатларига жўнатилаётган пул ўтказмаларининг ҳажми 30 фоизга қисқариши кузатилди<sup>60</sup>.

Ўтказмалар расмий молиявий тизимлар томонидан кичик инвестицияларга қўйиладиган қарз чекловларини юмшатади. Уларнинг ҳисобига, кўпинча банк кредитларини жалб этишга имкони бўлмаган, аммо

<sup>59</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. Йиллик нашр. Марказий Банк маълумотлари, Республика Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>60</sup> Влияние экономического кризиса на миграционные тенденции и миграционную политику в Российской Федерации и регионе Восточной Европы и Центральной Азии // Аналитический доклад Международной организации по миграции и Федеральной миграционной службы России. – М.: 2009. 78 с.

иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш, кўшимча иш ўринларини яратиш нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги турли лойиҳаларнинг “ўз-ўзини молиялаш”и амалга оширилади.

Иқтисодий адабиётдаги ишчи кучи миграцияси миллий иқтисодиётга, жаҳон иқтисодиётига ижобий таъсири ва унинг салбий оқибатларини чуқур таҳлил қилиш натижасида қуйидагича умумлаштирилди:

## 8-жадвал

### Ишчи кучи миграциясининг ижобий ва салбий оқибатлари<sup>61</sup>

Миграциянинг ривожланиш учун ижобий оқибатлари	Миграциянинг ривожланиш учун салбий оқибатлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>– ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда ишсизлар сони қисқариши;</li> <li>– иш ўринлари етишмовчилиги ва шу билан боғлиқ аҳоли ўртасидаги хавотирликни маълум бир давргача юмшатиш;</li> <li>– турли мамлакатлар ўртасидаги иш ҳақи даражасининг яқинлашиши;</li> <li>– трансмиллий фаолият;</li> <li>– жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши;</li> <li>– билим, малака ва кўникмаларнинг жойлашуви;</li> <li>– мигрантларнинг ижтимоий-сиёсий таъсири;</li> <li>– “Пул ўтказмалари”.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– “ақлларнинг оқиши”;</li> <li>– ижтимоий: оилавий алоқаларнинг узилиб кетиши, турли халқлар қадриятларининг йўқолиб кетиши;</li> <li>– ишчи кучи экспорти иқтисодий тебранишларга тез реакция билдиради;</li> <li>– маҳаллий иқтисодиётларга инфляцион таъсир;</li> <li>– жойларда тенгсизликнинг ўсиши;</li> <li>– “миграция анъаналари”нинг вужудга келиши.</li> </ul>

Ҳозирги кундаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг миграцияга салбий таъсири қуйидагилардан иборат:

- иш билан бандликнинг қисқариши, қурилиш, қайта ишлаш саноати, молиявий сектор, чакана савдо, туризм каби соҳаларда яққол намоён бўлмоқда ва ушбу тармоқларда банд бўлган мигрантларнинг аҳволига салбий таъсир кўрсатди;

- компанияларнинг ва иш берувчиларнинг сарф-харажатларини қисқартиришга уринишлари натижасида иш ҳақининг қисқариши ҳамда меҳнат шароитларининг ёмонлашуви мигрантларнинг турмуш сифатига ва даражасига салбий таъсир кўрсатадиган даражада қисқарди;

- паст малакали мигрантларнинг меҳнат бозори сегментларида кўчиб келиш мамлакати фуқароларининг иш жойларини эгаллаб олаётганлари тўғрисидаги нотўғри тасаввурларга боғлиқ ҳолда камситиш ҳолатларининг юзага келиши хавфи;

- ишсиз қолган мигрантлар ўз мамлакатларига қайтишларида, кўп ҳолларда бу ерда ҳам иқтисодий шароитларнинг ёмонлашувига дуч келдилар. Бу эса иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка ноҳуш таъсир кўрсатиши мумкин; аммо бунда мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари уй-жойга эга бўлган ва мустаҳкам ижтимоий таъминот тизими сифатидаги кам

<sup>61</sup> Глуценко Г.И. Транснационализм мигрантов и перспективы глобального развития. // Мировая экономика и международные отношения. –М.: 2005. № 12. – С.50–57.

таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш механизмидан фойдаланаётган мамлакатлардан қайтиб кетишлари эҳтимоли ниҳоятда кам;

– ишчи мигрантларнинг ишсиз қолишлари туфайли уларнинг ривожланаётган мамлакатларга жўнатаётган пул ўтказмалари ҳажмининг қисқариши ва ўртача бир пул ўтказмаси миқдорининг камайиши камбағаллик кўламларининг ўсишига ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммоларининг кескинлашувига олиб келади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, мигрантларнинг пул ўтказмалари ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилаётган савдодан олинadиган даромадлар, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга нисбатан камроқ миқдорда қисқаради: 2009 йил охиригача пул ўтказмаларининг ҳажми 0,9% га қисқарди. Бу кўрсаткич 6% га етиши кутилмоқда<sup>62</sup>. Бундан ташқари мигрантлар банк тизимларининг барқарорлигига ишончсизликлари туфайли расмий йўллар орқали ўз ватанларига тобора камроқ пул маблағлари юборишлари мумкин;

– ички меҳнат бозорини ҳимоялаш учун ва хорижий ишчи кучига бўлган талабнинг қисқариши муносабати билан миграцияни янада фаолроқ чеклаш сиёсатини ўтказиш (Италия, Буюк Британия). Испания ҳукумати эса ишсиз мигрантларни ватанларига қайтишга кўндириш мақсадларида молиявий рағбатлантириш тадбирларини кўрмоқда;

– меҳнат миграцияси оқимлари қисқарди;

– ноқонуний миграциянинг ўсиши ва ишсиз мигрантлар кўчиб келган мамлакатларида расмий рухсатсиз ишга жойлашишга уринишлари туфайли норасмий меҳнат бозорининг мустаҳкамланиши оқибатида қонуний меҳнат миграцияси учун имкониятлар қисқарди. Инқироздан кўпроқ даражада жабр кўрган мамлакатлардан чиқувчи эмигрантлар оқими эса ўсиб бораверади;

– ҳозирги инқироз эркак ва аёл мигрантларнинг моддий ҳолатига турлича таъсир этмоқда.

Шу билан бирга юмшаган оқибатлар ҳам қайд этилмоқда:

– кўчиб келиш мамлакатларида меҳнаткаш мигрантларга бўлган талаб айрим секторларда, меҳнаткаш мигрантларга таркибий талаб мавжуд бўлган соҳаларда, хусусан тиббиёт ходимларига, уй хизматкорларига, айрим мамлакатларда эса қишлоқ хўжалигида ишловчиларга бўлган эҳтиёж барқарор бўлиб қолиши мумкин;

– инқироздан қаттиқ жабр кўрган мамлакатларга мигрантларнинг пул ўтказмалари ҳажми худди инвестициялар ва савдо ҳажми кўпайгани каби ортиши мумкин.

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати келиб чиқади.

Жаҳон иқтисодиётида аввал содир бўлган инқирозлар шундан далолат берадики, инқирозлар ҳолатида ҳам миграция сақланиб қолади, ноқонуний миграция эса ҳатто ортиши ҳам мумкин. Чунки иқтисодиётнинг айрим секторларида ҳаттоки ишсизликнинг умумий миқдори ортиб боришига қарамасдан, ишчи кучига бўлган таркибий талаб сақланиб қолади. Бу талаб бир

<sup>62</sup> Ратха Д., Мохапатра С., Су З. Прогноз изменения динамики денежных переводов мигрантов на 2008-2010 гг. // Бюллетень №8 «Миграция и развитие», – 2008 г. –С.11. <http://siteresources.worldbank.org/>

жиҳатдан кенг демографик омиллар билан боғлиқ, яъни ривожланаётган кўплаб мамлакатларнинг аҳолиси ўсиб бориши билан бирга барча саноати тараққий этган мамлакатлар аҳолисининг кексайиши ва қисқариб бориши кабилар кузатилади.

Жаҳонда рўй берган аввалги молиявий инқирозлар тажрибаси шуни кўрсатдики, мигрантлар меҳнат миграцияси учун очик бозорларнинг сақлаб қолиниши – иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи муҳим омилдир.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида бандлик ҳақидаги давлат сиёсати муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, ушбу сиёсат иш жойига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжни доимо таъминлай олиш ҳолатида эмас. Бозор иқтисодиётида давлат назорати ҳамиша ўз чегарасига эга, айниқса меҳнат ва бандлик соҳаларида. Президент И.А.Каримов қайд этиб ўтганидек, “Барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Бу демократик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш демакдир”<sup>63</sup>.

Меҳнат миграцияси давлатнинг меҳнат бозорини тартибга солишдаги имкониятини тўлдиради. Тадқиқот жараёнида диссертация мақсади ва вазифаларига мувофиқ, Тошкент шаҳрида (аэропортда – Москва, Дубай, Европа, Сеул рейслари бўйича Тошкентга қайтиб келаётган йўловчилар орасида), Самарқанд вилоятининг қатор туманларида (Ургут, Пастдарғом, Каттакўрғон) 1000 та респондентлар, 617 та эркак ва 383 та аёл ўртасида сўров ўтказилди. Эркак респондентлардан кўпроқ иш ҳақи, яшаш шароитлари, хатар даражаси, машғулот турлари тўғрисида маълумотлар тўпланди. Аёл меҳнат мигрантлари орасида кўпроқ тижорат, савдо мақсадида қисқа муддатга бориб ишлаб келиш ҳоллари кузатилди.

Мигрантлар орасида турмуш қурган, оилалиларнинг улуши кўпроқ (79%). Бу нарса шу нарсадан далолат берадики, ўзбек оилаларида эркаклар асосий таъминловчи ролини бажаришади, турмуш қурмаган, лекин турмуш ёшидаги йигит ва қизлар ота-онанинг қарамоғида бўлиши ҳозиргача сақланиб қолган. Меҳнат мигрантлари орасида 30–40 ёшдагиларнинг салмоғи юқори. Анкета сўровлари натижаларига кўра, 30 ёшгача бўлганлар 20% дан кам, 30 дан 40 ёшгача бўлганлар 45% ни, 40 ёшдан катталар 35% ни ташкил этади. Хорижда меҳнат қилиб қайтганларнинг маълумотлилик даражаси турли, уларнинг аксарият қисмини педагогика, техника йўналишидаги ўрта махсус ва ўрта маълумотлилар ташкил этади. Олий маълумотлилар 33,3%, ўрта махсус 26,3%, ўрта маълумотлилар 31%, тўлиқ бўлмаган ўрта 9,4% ни ташкил этади.

Ижтимоий сўровнома таҳлили кўрсатишича, респондентларнинг жиддий қисми борган мамлакатнинг тили, маданияти, тарихини яхши билмаслиги аниқланди. Респондентлар орасида меҳнат шартномаси орқали Корея, Россияда ишлаб қайтганлар ҳам бор, ишга жойлашиш пайтида лавозим мажбуриятларидан ташқари яна бир қанча шартлар тўғрисида келишиб

---

<sup>63</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Танланган асарлар 8 том. –Т.: “Ўзбекистон”, 2002, 52-б.

олинган, масалан, ҳамма борганларнинг 94% и иш ҳақи миқдори, 97% и яшаш жойи билан таъминланиши, 78% и иш ҳақини тўлаш муддатлари, 72% и озиқ-овқат билан таъминлаш, 57% и иш вақтининг давомийлиги, 33% и ишни тугаллаш муддати тўғрисида келишиб олганлар.

Россияга бориб ишлаганлар эса улардан фарқли равишда, 88% и иш ҳақи миқдори, 48% и яшаш жой билан таъминлаш, 72% и иш ҳақини тўлаш муддатлари, 28% и иш вақтининг узунлиги, 72% и ишни тугаллаш муддати тўғрисида келишиб олганлар.

Реципиентларнинг кўпчилик қисми шартнома асосида бориш унинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинганлигини билдиришини тушуниб етган. Сўралганларнинг 77 фоизи келгусида қонуний асосда, шартнома тузган ҳолда хорижга ишга боришини таъкидлашган.

Меҳнат даромадини нима мақсадларга сарфлашлари, кўзлаган мақсадларига қай даражада эришганлиги тўғрисида маълумот олиш учун “Хорижда ишлаб топилган даромадингизни нималарга сарфладингиз?” мазмунидаги савол берилди. Мигрантларнинг 32,5%и озиқ-овқат маҳсулотлари, 22,7%и кийим-кечак сотиб олишган, 18,0%и пул маблағларини уй-жой таъмирлаш ва қуришга, 14,5%и маиший техника сотиб олишга, 12,3%и эса даромадларини даволаниш ва дори-дармон харид қилишга сарфлашган.

“Энди нима билан шуғулланмоқчисиз?” деган саволга яхши даромадга эга бўлганларнинг катта қисми (37%) хусусий бизнес, тадбиркорлик билан шуғулланиш нияти борлигини, меҳнат шароитидан қониққанлар (33%) яна бориш истаги борлигини билдиришди.

Респондентларнинг 15% и (20–29 ёшдагилар) яна чет элларда ишлашни режалаштирмоқда, улардан 42,7%и Россияга, 11,8%и Ғарбий Европага, 16,4%и АҚШга, қолган 29,1%и Корея Республикаси, Туркия давлатларига боришни хоҳлашади.

“Сиз борган жойингизда ўз маълумотингиз, ихтисослигингиз бўйича иш топа олдингизми?” саволига 3% рецепиентлар “ҳа, иш топдим”, 68%и “мен бутунлай бошқа соҳада ишладим”, 10%и “ихтисослигимга яқин соҳада ишладим”, 19%и “тўғри келган ишни қилдим”, деб жавоб беришди.

Олиб борилган социологик тадқиқот натижалари, унинг таҳлилига асосланиб шуни таъкидлаш лозимки, меҳнат миграцияси соҳасида учрайдиган турли салбий ҳолатларнинг олдини олиш, унинг салбий таъсирини камайтириш бўйича давлатимиз, тегишли ташкилотлар олдида катта вазифалар турибди. Меҳнат миграцияси муаммоси, миграцияни легаллаштириш ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳукуматлараро битимлар тузишни талаб қилади.

Тадқиқот ишида меҳнат миграциясининг давомийлиги ва даврийлиги таҳлил қилинди ва меҳнат миграцияси вақтинчалик характерга эгаллиги, мигрантнинг иш тугагандан сўнг ўз юртига қайтиши таъкидланса-да, меҳнат қилиш даври янада узайиб кетиши, ҳатто бир неча йилларга чўзилиши мумкин. Меҳнат фаолияти олиб борганларнинг тахминан 1/3 қисми эса Россияда доимий яшашни мўлжаллашган. Қолганлари эса Россияга ёки мавсумда, ёки аниқ, тайинли ишга келишни режалаштиришган.




Олиб борилган кузатувлар ва тадқиқот натижасида миграция асосларини моделлаштиришга ҳаракат қилинди. Моделлаштиришнинг натижаси ўлароқ, ўз ватанида турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ташқарига чиқиш, бошқа давлатларга миграция қилиш суръатларини пасайтириши мумкин. Бошқача айтганда, мигрантлар чиқиш мамлакатадаги миграция сиёсати вақтинчалик ва мавсумий, қайтадиган миграция турларини рағбатлантириши эҳтимолдан холи эмас.

Модель яна шуни кўрсатмоқдаки, турмуш даражасини яхшилаш имконияти натижасида мигрантлар вақтинчалик, ёки доиравий миграцияни амалга оширадилар, масалан, қурилишда ишловчи мигрантлар март ойида жўнаб кетиб, ноябрь-декабрь ойларида ватанига қайтадилар.

Шунга кўра айтиш мумкинки, ҳозирги даврда мигрантлар учун маълум бир мамлакат худудига киришдан аввал тили, маданияти, тарихи, шуғулланадиган иши, ишга тўланадиган ҳақ ва бошқалар тўғрисида маълумотга эга бўлиши зарур.

Юқоридаги муаммоларнинг таҳлили келажакка башорат қилишни тақозо этади. Ишчи кучи талаби таркибининг ўзгариши ва ривожланиши янги усул ва дастакларни қўллашни зарур қилиб қўяди. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кўпгина йўллари орасидан асосан муҳим аҳамиятга эга бўлган вариантлари ўрганилди: инерцион, мобилизацион ва инновацион. Агар уларни меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш нуқтаи назаридан ўрганадиган бўлсак, ривожланишнинг инерцион ва мобилизацион вариантлари доирасида ишлаб чиқаришнинг ишчи кучига бўлган талабини фақат экстенсив мослашув орқали қондириш мумкин. Ишчи кучига бўлган талаб таркибининг ўзгариши ва ривожланишнинг инновацион йўли бир-бири билан узвий боғлиқликда амалга оширилганда ҳам самарали натижаларга эришилади.




**3-расм. Мобилизацион вариант бўйича башорат**

Башоратнинг инерцион варианты бўйича, яқин беш йиллар ичида Ўзбекистондан миграция меҳнат салоҳиятига эга бўлган аҳолининг 1/4 қисми ташқи меҳнат бозорига жалб қилиниши мумкин. Инерцион сценарий сўнгги йиллардаги тенденцияларнинг сақланишини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг чиқиш давлатларидаги таъсири натижасида ўсиш суръатларининг пасайишини тақозо этади. Келажакка тарқатиладиган инерцион сценарий, ҳар доим ҳам кутилган натижани олиш имконини бермайди.

Мобилизацион вариант орқали туғилиш даражасининг юқорилиги 10–15 йиллардан кейин бизда меҳнатга лаёқатли аҳоли гуруҳида ижобий ҳолатлар бўлиши башорат қилинади; демографик салоҳиятнинг кўпайиши эса Ўзбекистоннинг миграция, мобиллик салоҳиятини ўстиришни тақозо этади. Яқин келажакда мавжуд салоҳиятни мобиллаштириш яхши натижаларга олиб келади, мавжуд давлатлараро, ҳукуматлараро келишув ва шартномалар етарли бўлмай қолади. Бунинг учун эса маҳаллий ишчи кучини саноат, ишлаб чиқариш, енгил саноат, тўқимачилик, автомобилсозлик, пахтани қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳаларга, шунингдек, халқаро ишчи кучи бозорига жалб этиш зарур.

Инновацион сценарий орқали истиқболда ривожланишнинг ҳамма йўналишларида яхши натижага эришиш учун меҳнат ресурсларига янги технологияларни жорий қилишни талаб этади. Кейинги ўн йилликларда иқтисодий ўсишнинг бирмунча юқори даражасига эришиш учун мавжуд меҳнат ресурсларидан, иқтисодий фаол аҳоли қисмидан унумли фойдаланиш ҳал этилади. Стратегик режалаштиришнинг бу элементлари Ўзбекистонда 2020 йилгача бўлган даврга миграция жараёнини моделлаштириш асосини ташкил этади.



**4-расм. Ўзбекистонда 2020 йилгача бўлган даврга миграция жараёнини моделлаштириш**

Агар маҳаллий ва хорижлик иш берувчилар меҳнат ресурсларига эҳтиёткорлик билан ёндашсалар, инновацион янгиликларга асосланган самарали бозор иқтисодиётига ўтишга сифати ва сони жиҳатдан мос бўлган ишчи кучига бўлажак талабни тўғри шакллантира олсалар, узоқ келажакка мўлжалланган миграция сиёсати ўз самарасини беради. Ҳозирданок ишчи кучига бўлган талабни тўғри амалга ошириш мақсадида ташкилий чоратadbирлар қабул қилиниши муҳим.

Касбий тайёргарлик ва таълим тизимидаги таркибий ўзгаришлар унинг сифати ошишига хизмат қилиши муқаррар. Ходимларнинг касбий тайёргарлиги йўналишлари, сифати, ҳажмлари корхона, ташкилот, муассасаларнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий барқарорликка эришиш учун юқори технологик тармоқ ва соҳаларнинг сонини кўпайтириш, ишчи кучи танқислиги сезиладиган тармоқларга уларни жалб қилиш, бунинг учун ахборот тизими фаолиятини кенг йўлга қўйиш ва уни такомиллаштириш зарур.

Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида инновацияларни жорий этиш, ҳар томонлама инновацион янгилашиш Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини янада мустаҳкамлайди. Шундай инновациялар жамланмасини аниқлаш муҳимки, улар аввало иқтисодиётнинг, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасининг, меҳнат ресурсларининг билим даражаси, уларнинг сифат кўрсаткичларининг ўсишига хизмат қилсин.

Меҳнат миграцияси соҳаси истиқболларини олдиндан башорат қилиш Ўзбекистон иқтисодиётидаги ҳолат билан ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ҳолат ўртасидаги кўплаб фарқлар яқин келажакда аста-секин йўқотилиши имкониятларини куйидагича тахмин қилишимиз мумкин:

- иқтисодиётнинг илғор соҳаларида бандликнинг ўсиш анъаналари тикланади; хизмат кўрсатиш, уй-жой коммунал хизмати, савдо ва унга турдош тармоқларда ишловчиларнинг сони кўпаяди. Бунга аҳоли сонининг кўпайиши, меҳнатни ташкил қилишнинг янги, самарали усуллари жорий қилиниши, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш кабилар сабаб бўлади;

- иш ҳақи миқдорлари ўртасидаги нисбатлар илғор соҳалар фойдасига ўзгаради;

- ишсизликнинг тахминан ҳозирги даражаси сақланиб қолади, бироқ унинг хусусиятлари ўзгариб, малакасиз бандларнинг сони камаяди, иш билан банд бўлган малакали мутахассислар сони эса кўпаяди, иқтисодиётнинг саноат тармоқларидаги ишчи ходимлар таркиби малакали ишчилар фойдасига ўзгаради (ҳозирги даврдаги 36 % дан 2020 йилда 43%);

- фаол бандлик сиёсати юритилган ва одамларнинг меҳнат бозорида мустақил равишдаги фаоллиги оширилган тақдирда ишсизларни қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, одамларнинг ишсизлик ҳолатида бўлиш муддатлари қисқариши кутилади;

- узоқроқ истиқболда соҳалар бўйича бандликда технологик тараққиёт билан мувофиқ ҳолда янги ўзгаришлар содир бўлишини кутиш мумкин. Экология билан боғлиқ соҳаларда бандлик даражаси ошади;

- бандликнинг «уйдан чиқмасдан» компьютер технологиялари ва

тегишли алоқа воситаларига асосланган ахборот технологияларида ишлаш борасидаги улуши ортади; иш ҳафтасининг давомийлиги ва ўртача бандлик даражаси ортади, ходимларни тайёрлаш таркиби ўзгаради;

– иқтисодиёт ва бошқарув, сиёсатшунослик ва ижтимоий ишлар, психология ва бошқа соҳалар бўйича мутахассисларни тайёрлаш даражаси ортади;

– аҳолининг умумий маълумот олиш даражаси, шу жумладан, маълумотлилар ичида олий маълумотли ва илмий даражали шахсларнинг улуши ортади; меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларнинг таълим олиш муддати нисбатан ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичларга яқинлашади;

– иқтисодиётнинг индустриал туридан инновацион турига ўтилиши муносабати билан умумий бандлар орасида ақлий меҳнат билан шуғулланадиганларнинг улуши 2020 йилга бориб 40–45 фоизга ўсади;

– ахборот, маълумот тайёрлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳужжатларни ҳисобга олиш ва улар билан боғлиқ хизмат кўрсатиш ишларини олиб боровчи ўрта маълумотли мутахассис ва хизматчиларнинг сони кўпаяди.

Давлат меҳнат бозорида ишчи кучининг сон ва сифат жиҳатидан ривожланишига, унинг истеъмолига, ишчиларнинг касбий тайёргарликларининг замонавий ишлаб чиқариш даражасига мувофиқлигига эришишга қаратилган тизимлаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Кенг миқёсли ва самарали миграцияни амалга ошириш стратегиясининг ташаббускори Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлар, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, ЮНЕСКО ва бошқа шу каби ташкилотлар бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда асосий ишчилар оммасига таълим бериш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича эришилган даража, «ҳамма вақтда ва тўлиқ бандлик» ҳолатининг «ишсиз қолиш мумкинлик» ҳолати билан алмашилиши, жинс ва ёш жиҳатидан фарқ қилувчи меҳнатга лаёқатли аҳоли гуруҳлари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ бўлган янги зиддиятлар пайдо бўлди.

Ўзбекистонда яқин йилларда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш каби долзарб масалани ҳал қилиш вазифаси турибди. Юқоридаги модель ва тавсиялар, ахборот тизимининг яхши йўлга қўйилиши ушбу масалани ҳал қилишда ўз самарасини беради. Ёш мутахассислар, турли касб эгалари нафақат мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, балки бошқа жаҳон иқтисодиёти ривожига ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бунинг учун эса, албатта, уларнинг илмий салоҳиятини, касбий малакаси, кўникмасини ошириш бугунги куннинг вазифасидир.

## ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий **хулосалар** шакллантирилди:

1. Ишчи кучи миграцияси меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир мамлакатдан бошқасига бир йилдан кам бўлмаган муҳлатга кўчишидир. Миграция натижасидаги меҳнат ресурсларининг мамлакатлараро

тақсимланиши ва ундан самарали фойдаланиш жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келади. У жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсир кўрсатади.

2. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида ҳозирги давр ишчи кучи миграциясига қуйидагича такомиллашган муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилди, ишчи кучи миграцияси – аниқ рўёбга чиқиш даражасидаги меҳнат миграцияси бўлиб, унинг даромад топиш, иқтисодий-ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида бирор меҳнат тури билан фаолият олиб боришга қарор қилгандан сўнг бошқа жойга ишлаш учун кўчиб ўтишга, жойлашишга тайёрлиги, кириш мамлакатида ўз ишчи кучини сотиши ва шунга мувофиқ иш ҳақи олиши, вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориб доимий яшаш жойига вақти-вақти билан, даврий ёки бутунлай қайтиб келиши тушунилади.

3. Мигрантлар ўз ватанларига қайтгач, ўзлари билан янги билимларни, тажриба, кўникмаларни олиб қайтадилар. Бу эса ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигининг ортишини, миллий даромаднинг ўсишини ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдорининг ошишини таъминлайди. Мутахассислар ривожланган мамлакатларнинг юқори технологияли тармоқларида ва унга турдош ноу-хау ишларида тажриба-малака орттириб, ўз ватанларига қайтганларидан сўнг, миллий ишлаб чиқаришнинг инновацияси ва самарадорлиги ўсиши учун ҳиссаларини қўшадилар.

4. Миграция жараёнлари тизимида ишчи кучи миграцияси етакчи ўринни эгаллаб, меҳнат миграциясида ўз аксини топади. Меҳнат ресурсларининг миграцияси натижасида ишчи кучи хорижга ўтиб жойлашади. Унинг бошқа товарлардан муҳим фарқли жиҳати шундаки, ишчи кучининг ўзи бошқа товарларни ишлаб чиқариш омили бўлиб ҳисобланади. Иш берувчилар ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши сабабли мигрантларнинг меҳнатида фойдаланишдан манфаатдордирлар. Хорижий ишчи кучи мамлакатнинг муайян малака сегментида меҳнат бозоридаги талабни орттириб, рақобатчилик муҳити юқори бўлган лойиҳаларни молиялаш ҳамда сармоя киритиш учун чекланган капиталга эга корхоналарнинг сақланиб қолишини таъминлайди.

5. Халқаро ишчи кучи миграцияси мамлакатларнинг миллий қонунчилиги, давлатлар ва давлат идоралари ўртасидаги шартномалар асосида тартибга солинади. Давлат назорати хориж ишчи кучи оқимини чеклашга қаратилган бюджетдан молиялаштириш дастури асосида ёки иммигрантларнинг мамлакатга қайтишини рағбатлантириш бўйича дастурни амалга ошириш орқали тартибга солинади. Тараққий этган мамлакатлар миграция жараёнини тартибга солишда селектив ёндашувдан фойдаланишади, мигрантларга талаблар қўйилади. Буларга иммигрантлардан талаб қилинадиган малака, маълумот, ёши, соғлиғи, миқдорий ва географик квоталаш, мамлакатга киришга бевосита ва билвосита таъқиқлар, вақтинчалик ва бошқа чекловлар киради. Реэмиграциясини рағбатлантириш–ватанларига қайтмоқчи бўлган иммигрантларни моддий таъминлаш, касбий тайёргарлик кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиб бериш, оммавий эмиграция қиладиган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш замон талабидир.

6. Аҳолининг миграцияси иқтисодий, демографик, ижтимоий ва сиёсий табиатга эга бўлган чиқариш ва қабул қилиш омилларининг йиғиндисидан иборат. Аҳолининг давлатлараро жойлашуви сабаблари давлатларнинг қай даражада ривожланганлигини инобатга олишга ҳам таъсир кўрсатади. Миграциянинг асосий детерминанти мамлакатдаги турли гуруҳлар ўртасидаги фарқ, тафовут ҳисобланади. Миграция жараёнининг давлатлараро даражада тартибга солиниши ҳар бир интеграциялашаётган давлатда инсон капиталига сармояларни кўпайтириш тақозо этади. Бу турли интеграцион ташкилотларга аъзо давлатларда рақобатбардошлик даражасининг ортиши ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

7. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида Ўзбекистон аҳолиси иш билан бандлигининг янги шакллари ва турлари пайдо бўлмоқда. Давлат томонидан ташкил этилган хорижда вақтинча иш билан бандлик, аҳолининг яқка тартибда хорижга қатнаб, товар олиб келиш билан шуғулланиши, хусусий ёлланиш бўйича мамлакат ичидаги вақтинчалик иш билан бандлик турлари шулар жумласидандир. Аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашини янада ривожлантириш фаолиятнинг иқтисодий соҳасини реал эркинлаштириш тамойилларига асосланган тегишли қонунчилик базаси ташкил этилишини талаб этади.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида ишчи кучи миграциясини тартибга солиш борасида қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди: қонуний асосларнинг мукамал эмаслиги; ташкил этилган ва ташкил этилмаган, стихияли миграциянинг нисбати ўртасидаги фарқ; норасмий мигрантларнинг давлат ижтимоий муҳофаза тизимида дахлдор эмаслиги; меҳнат мигрантларининг паст ва рўйхатга олинмаган даромадлари яқин келажакда паст даражадаги ижтимоий нафақага айланиши; ишчи кучининг ички ва ташқи меҳнат бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш; пул оқимларини иқтисодиётга жалб қиладиган молия бозори механизми йўқлиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида миграция жараёнини тартибга солишни такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Меҳнат миграциясининг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– доимий яшаш жойидан ташқарида бандлик соҳасини ҳуқуқий таъминлаш учун “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш лозим;

– халқаро битим, давлатлараро шартномаларга мувофиқ имзоланган қонуний ва ижтимоий ҳимояланган меҳнат миграциясини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

2. Меҳнат миграциясини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун:

– пойтахтда ва вилоятларда доимий яшаш жойи чегараларидан ташқарида меҳнат ресурслари бандлигини бошқариш тизимини мустақамлаш имконини бериши мумкин бўлган мустақил нодавлат меҳнат миграцияси бўлинмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

– бозорда меҳнатни таклиф қилиш сиёсатининг меҳнат бозорига таъсирини кучайтириш мақсадида иш билан банд бўлмаганларни, жумладан норасмий бозор ва меҳнат миграциясида бандларни, шунингдек, ишсизларни статистик ҳисобга олишни такомиллаштириш, меҳнат бозорида ва унинг талабга мувофиқлиги бўйича мониторинг дастурларини кучайтириш;

– ўзининг доимий яшаш жойидан ташқарида иш изловчи шахслар сонини қисқартириш мақсадларида меҳнат соҳасини ва аҳоли бандлигини бошқариш идоралари янги барқарор иш ўринларини яратиш бўйича чоратадбирларни фаоллаштиришлари талаб этилади;

– хорижга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази ташкил этилиши натижасида фуқароларга бориладиган мамлакатнинг тили, асосий қонун ҳужжатлари, анъаналари ва хулқ-атвор нормалари тўғрисида маълумот берилади, бориладиган мамлакатда муомала қилиш ва меҳнат функцияларини бажариш, контракт бўйича ишга жойлашадиган ишлаб чиқаришларда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўргатиш; чет элларга ишлаш учун жўнатилаётган фуқароларнинг соғлиги ҳолатини хорижий иш берувчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли тиббиёт муассасаларини жалб этиб комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш тадбирлари амалга оширилиши фуқаролармизнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлайди.

3. Аҳоли меҳнат сафарбарлигининг ортиши ва умумий меҳнат бозорини шакллантириш масалалари меҳнат миграцияси соҳасида ягона ахборот маконини шакллантириш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракат тадбирларини амалга оширишни шарт қилиб қўяди. Бу эса қуйидагиларни тақозо этади: ягона ахборот маълумотлари базасини яратиш; хорижга борувчиларни ва хориждан келганларни ишга жойлаштириш бўйича махсус хизматларни шакллантириш воситасида кўчиб келинган ва кўчиб кетилган давлат ҳудудида меҳнат мигрантлари учун хизмат соҳасини ташкил қилиш; меҳнат миграциясини амалга оширишни режалаштирганлар учун бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш шулар жумласидандир.

4. Меҳнат мигрантларини уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган, улар фаолиятини тартибга солувчи зарур маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меъёрлар билан таъминлаш лозим.

5. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда меҳнат миграциясига оид тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, меҳнат миграцияси концепциясини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир.

6. Меҳнат миграцияси тўғрисида маҳаллий меҳнат бозорларида ва бошқа минтақаларда ишчи кучига бўлган талабнинг профессионал таркиби тўғрисида, мутахассисларга қўйиладиган талаблар тўғрисида, аниқ мутахассисликлар бўйича касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг кутилаётган истиқболлари ва йўналишлари тўғрисида ёшларда объектив билимларни шакллантириш лозим; бунинг учун ҳар бир минтақада ҳокимиятлар ижтимоий таъминот бўлимлари, умумий таълим, касбий таълим ва олий таълим муассасаларининг бандлик хизмати идоралари билан мувофиқлаштирилган иш фаолиятларини йўлга қўйиш, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида эса – бозор томонидан

талаб этилиши мумкин бўлган мутахассисларга нисбатан эҳтиёжларига мувофиқ касбий тайёргарлик тузилмасини шакллантириш ва мунтазам ислох этиб бориш керак.

7. Иқтисодий барқарорликка эришиш учун юқори технологик тармоқ, соҳаларнинг сонини кўпайтириш, ишчи кучи танқислиги сезиладиган тармоқларга уларни жалб қилиш, бунинг учун ахборот тизими фаолиятини кенг йўлга қўйиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойлари меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ишчи кучининг рақобатбардошлиги, профессионал мобиллиги ўсиши учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш лозим.

8. Меҳнат миграцияси билан бирга кечадиган, кўлами жиҳатидан катта бўлган оқимлар нафақат маблағлар ўтказишни амалга оширадиган, балки уларни иқтисодиётга жалб қиладиган молия бозори механизми йўқлиги сабабли кўпгина зиддиятларга дуч келмоқда. Бу механизм молия сектори заиф бўлган минтақаларга молиявий хизматларининг етиб боришини таъминлаш вазифасини ҳал этишга ёрдам беради. Пул ўтказмалари бозорида рақобатбардошликни ошириш ва молия тизимининг камчиликларини бартараф этиш учун мазкур тизимни инновацион ривожлантириш масаласини ҳал этиш зарур.

9. ЎзР фуқароларининг хориждаги касбий фаолиятлари ва хорижлик фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги касбий фаолиятларини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, меҳнат миграцияси соҳаларидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва кенг амалга ошириш, ишга жойлаштиришни ташкил этиш, хорижда ишга жойлаштириш учун талабгорлар билан дастлабки кўникма тадбирларини ўтказиш, хорижий ишчи кучини ёллашни амалга оширувчи хорижий корхоналар, муассасалар, компаниялар, фирмалар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий ишчи кучини жалб этиш учун юридик шахсларга рухсат беришни йўлга қўйиш лозим.

10. Ўзбекистонда аҳоли бандлиги шаклларида бири нодавлат ташкилотлар ёрдамида бандликни таъминлаш ҳисобланади. Меҳнат миграциясидан қайтганларни мослаштириш, уларни ишга жойлаштириш, шахсий бизнесни йўлга қўйиш истаги бўлганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга микрокредитлар бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Пойтахтда ва вилоятларда корхоналарни модернизациялаш билан бирга иш ўринлари тизимини қайта ташкиллаштириш, янги иш ўринларига билим, тажриба, малака орттириб қайтган мигрантларни жалб қилиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишини таъминлайди. Уларнинг тадбиркорлик фаолиятини, меҳнат бозоридаги иштирокини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 сентябрдаги фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган. Дастурнинг мақсади аҳолининг бандлиги, турмуш даражаси ва даромадлари ўсишини таъминлаш, меҳнат бозорида иш кучига бўлган талабни ошириш бўйича республика ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан самарали



фойдаланиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал этиш учун масъулиятини кучайтиришдан иборат.

Жаҳондаги иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви шароитларида аҳолининг мамлакат ташқарисида бандлигига мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолият шаклларида бири сифатида қаралиб, бундай бандлик давлат томонидан қўллаб-қувватлаб турилиши лозим. Чет мамлакатларга меҳнат миграцияси ҳажмини кенгайтириш учун давлат ҳокимият органларининг мавжуд инфраструктурасидан самарадорлик билан фойдаланиш, ҳамда янги бозор механизмларини яратиши керак бўлади. Хусусий ташаббускорлик хусусиятига эга бўлган ишчи кучини экспортга жалб қилиш бошқа мамлакатларда қўллаб келинадиган шундай механизмлардан бири ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши, келгусида республикамиз фуқаролари учун қонуний асосда хорижда меҳнат қилиш имкониятларини яратиб беришининг кафолатидир.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

### **Монография ва илмий журналларда чоп этилган мақолалар**

1. Расулова Д. В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. // Монография. Тошкент, “Молия” нашриёти, 2010. 271 б.
2. Расулова Д.В. Бошқарув маҳорати // Иқтисодиёт ва таълим. - Тошкент, 2006. - №2. - Б. 27-30.
3. Расулова Д.В. Миграция рабочей силы в системе интеграционных отношений стран с переходной экономикой // Экономика и финансы. –Москва, 2008. - №1 (140). - С. 18-21.
4. Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси // Жамият ва бошқарув.-Тошкент, 2008. - №2. - Б.46-48.
5. Расулова Д.В. Трудовая миграция в странах СНГ: миграционная ситуация в Узбекистане// Экономика и финансы. –Москва, 2008. -№4 (143). – С. 4-6.
6. Расулова Д.В. Рынок трудовой миграции как часть рынка труда // Экономика и финансы. – Москва, 2008. - №13 (152). -С. 28-31.
7. Расулова Д.В. Внешняя трудовая миграция - важный процесс экономического развития // Экономика и финансы. – Москва, 2008. - №13. (152). – С. 31-34.
8. Расулова Д.В. Меҳнат миграцияси: жаҳон тажрибаси // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2009. - №1. –Б.69-72.
9. Расулова Д.В. Республикада меҳнат миграцияси жараёнларидаги ўзгаришлар //Иқтисодиёт ва таълим. -Тошкент, 2009. - №2. - Б.14-19.
10. Расулова Д.В. Бандлик ва меҳнат захираларининг ўсиши // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2009. - №2. – Б. 83-85.
11. Расулова Д.В. Меҳнат миграцияси // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2009. -№4. – Б.34-36.

12. Расулова Д.В. Меҳнат миграцияси ва уни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатишдаги ўрни ва роли // Иқтисодиёт ва таълим. - Тошкент, 2009. - №5. - Б. 11-13.

13. Rasulova D.V. Theoretical aspects of studying the migration processes // International cross-industry research journal Perspectives of Innovations, Economics & Business. – Praga, 2010. -Volume 4, Issue 1. -PP.86-87. www.pieb.cz

14. Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ва ахборот тармоқлари // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2010. - №1. – Б. 71-73.

15. Расулова Д.В. Халқаро меҳнат миграцияси истиқболларини олдиндан башорат қилиш // Биржа – Эксперт. - Тошкент, 2010. - №3 (27). – Б. 10-13.

16. Расулова Д.В. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари фаоллигини ошириш масалалари // Биржа – Эксперт. - Тошкент, 2010. - №5 (29). – Б. 18-21.

#### **Илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар ва анжуманларда қилинган маъруза тезислари**

17. Расулов Т.С. Расулова Д.В. Ўзбекистон бандлик модели ва меҳнат бозорининг истиқболлари // Ўзбекистон Республикаси Банк–молия Академияси. Ижтимоий ҳимоя йили “Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, таркиби ва ислоҳ этиш йўналишлари” Илмий ишлар тўплами, Тошкент-“Молия”, 2007. - Б.75-77.

18. Расулова Д.В. Роль трудовой миграции в глобализации экономики //Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики. М.: 2009. – С.54-55.

19. Расулова Д.В. Проблемы взаимосвязи рынка труда и миграции рабочей силы // Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики. М.: 2009. –С.107-108.

20. Расулова Д.В. Ўзбекистонда аёллар меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятлари // Иқтисодиётни эркинлаштириш даврида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, 2005. – Б.140-144.

21. Расулова Д.В. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг бозор механизми ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар (Швеция тажрибаси мисолида)// «Иқтисодиётда барқарорлик ва атроф-муҳит муҳофазаси» Илмий-амалий анжуман, Тошкент, 2006. -Б.89-92.

22. Расулова Д.В. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида инсон омили ролининг ошиб бориши //“Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш тамойиллари, устувор йўналишлари ва истиқболлари” Республика илмий амалий конференцияси, Тошкент, 2006. –Б.15-17.

23. Расулова Д.В., Аббасов У. Ишчи кучи халқаро ҳаракатининг ривожланиши //Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақа бозор инфратузилмасининг ривожланиш муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси, Тошкент, 2008. – Б.275-277.

24. Расулова Д.В. Минтақада ишчи кучи миграциясининг хусусиятлари Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши // Республика илмий амалий конференцияси, Тошкент, 2008. –Б. 252-254.

25. Расулова Д.В. Иқтисодий ўсишнинг инсон омили хусусиятлари// Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновация, рақобатбардошлик, инвестициялар. Республика илмий амалий конференцияси, 2 жилд, Тошкент, 2008. – Б. 222-224.

26. Расулова Д.В. Республикада меҳнат миграцияси ва унинг ҳозирги ҳолати //Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари. Республика илмий амалий конференцияси, Тошкент, 2008. - Б 79-80.

27. Расулова Д.В., Расулов Б. Т. Миграция рабочей силы как экономическое явление //Двадцать вторые Международные Плехановские чтения Тезисы докладов М.: 2009. –С. 99-100.

28. Расулова Д.В. Жаҳон молиявий инқирозининг меҳнат миграцияси жараёнларига таъсири. // «Социально-демографические процессы в современном Узбекистане» Материалы Республиканской научно-практической конференции. Ташкент, 2009. –Б. 314-318.

29. Расулова Д.В. Роль государства в управлении миграционных процессов // «Государственное управление в XXI веке: традиции и инновации», 8-ая Международная научная конференция, М.: 2010. – С.142-146.

30. Расулова Д.В. Банкларнинг янги иш жойларини ташкил этишдаги иштироки ва роли // “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк-молия тизимининг барқарорлиги: амалиёт ва самарадорлик” Республика илмий амалий конференция материаллари, Тошкент, 2010. – Б. 313-317.

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор  
Расулова Дильфуза Валиевнанинг 08.00.01–“Иқтисодий назария”  
иқтисослиги бўйича “Бозор муносабатлари тизимида ишчи кучи  
миграциясининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги  
диссертациясининг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** аҳоли бандлиги, ишчи кучи миграцияси, мигрантлар иқтисодий фаоллигининг ўсиши, мигрантлар оқими, миграция модели, мигрантлар пул ўтказмалари, миграция назарияси.

**Тадқиқот объекти:** халқаро ишчи кучи миграцияси, МДХ давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ишчи кучи миграцияси жараёнлари ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади:** Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида ишчи кучи миграциясини тартибга солиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** гуруҳлаштириш, сўровлар ўтказиш, моделлаштириш, статистик таҳлил, тизимли ёндашув, прогнозлаш, умумлаштириш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** ишчи кучи миграциясининг иқтисодий категория сифатидаги мазмуни очиқ берилган ва иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни аниқланган; ишчи кучи миграциясига такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган; ишчи кучи миграциясига бағишланган назарий ёндашувлар гуруҳланган ва тизимлаштирилган; Ўзбекистондаги меҳнат миграцияси жараёнларининг омиллари, хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари аниқланган; ишчи кучининг ташқи ва ички меҳнат миграциялари, тармоқ, географик таркиблари таҳлил қилинган, ишчи кучи миграциясини эмиграция ва иммиграция қилувчи томонлар учун афзалликлари ва салбий оқибатлари аниқланган; ишчи кучи миграцияси жараёнларини тартибга солиш иқтисодий механизми ва самарадорлигини ошириш йўналишлари аниқланган; давлатнинг миграция сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; Ўзбекистонда ишчи кучи миграцияси ўрта ва узоқ муддатларда ривожланишининг муқобил вариантлари сценарийлари ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** диссертацияда ишлаб чиқилган амалий таклифлардан ишчи кучи миграциясига ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсирини аниқлашда, ишчи кучи миграцион жойлашувининг оптимал йўналишларини белгилашда, меҳнат миграцияси оқимларини назорат қилиш механизмини такомиллаштиришда, миграция жараёнларини мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи давлат бўлинмаларининг фаолиятида, мигрантлар пул ўтказмаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** ишчи кучи миграциясини тартибга солиш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар Қўмитаси томонидан республикада ишчи кучи миграциясини тартибга солишга, мигрантларнинг ҳуқуқларини таъминлашга, ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни ишлаб чиқишда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан миграция сиёсатини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Меҳнат иқтисодиёти” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Расуловой Дильфузы Валиевны на тему:  
**«Совершенствование теоретико-методологических основ миграции  
рабочей силы в системе рыночных отношений», на соискание ученой степени  
доктора экономических наук по специальности  
08.00.01 – «Экономическая теория»**

**Ключевые слова:** занятость населения, миграция рабочей силы, рост экономической активности мигрантов, поток мигрантов, модель миграции, денежные переводы мигрантов, теория миграции.

**Объекты исследования:** международная миграция рабочей силы, миграционные процессы в странах СНГ и в Республике Узбекистан.

**Цель работы:** заключается в разработке научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию регулирования миграции рабочей силы и повышения его эффективности в условиях либерализации экономики.

**Методы исследования:** группировка, опрос, моделирование, статистический анализ, системный подход, прогнозирование, обобщение

**Полученные результаты и их новизна:** раскрыто содержание миграции рабочей силы как экономической категории и определено место в системе экономических отношений; группированы и систематизированы теоретические подходы к определению миграции рабочей силы; дано усовершенствованное авторское определение миграции рабочей силы, определены факторы, особенности и тенденции развития трудовой миграции в Узбекистане, проанализированы внутренняя и внешняя миграция рабочей силы, а также их отраслевая и географическая структура; определены положительные и отрицательные воздействия миграции рабочей силы для экспортирующих и импортирующих стран, определены направления повышения эффективности и экономического механизма урегулирования миграционных процессов; разработаны научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию государственной миграционной политики, разработаны альтернативные варианты сценариев развития миграции рабочей силы на средние и перспективные сроки в Узбекистане.

**Практическая значимость:** научные выводы и практические рекомендации диссертационной работы могут быть использованы в определении воздействия социально-экономических факторов на миграцию рабочей силы, оптимальных направлений миграции рабочей силы, при усовершенствовании контрольного механизма потоков трудовой миграции, в деятельности государственных органов занимающихся координацией миграционных процессов, в повышении эффективности использования денежных переводов мигрантов.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные предложения и практические рекомендации, полученные в диссертационной работе были приняты Законодательной Палатой Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Министерством труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан при разработке целевых государственных программ совершенствования миграционной политики и повышения ее эффективности. Материалы диссертационной работы используются в совершенствовании и в преподавании учебных курсов «Экономической теории», «Современные теории экономики, финансов, денег и кредита», «Международные экономические отношения».

**Область применения:** Министерство труда и социальной защиты населения РУз, в преподавании в высших учебных заведениях.

## RESUME

**Thesis of Dilfuza V. Rasulova on the scientific degree competition of the doctor of sciences in economics on speciality 08.00.01–“Economic theory”, subject: “Improvement of theoretical – methodological base of development the labor migration in terms of market transition”**

**Key words:** employment, migration of labor force, growth of economic activity of migrants, migration streams, migration model, money transfers of migrants, theories of migration.

**Subjects of research** are international migration of labor force, migratory situation in the CIS states, and also in Uzbekistan.

**Purpose of work** is to work out theoretical – methodological and scientific – methodological regulations, foundation of proposals and recommendations for increase of effectiveness of regulation the labor migration processes in terms of liberalization the economy.

**Methods of research:** grouping, surveying, modeling, statistic and systematic analysis, forecasting, generalization methods.

**The results obtained and their novelty:** content of the labor migration as economic category was explained and a place of migration processes in economic relations was detected; author’s approach to labor migration processes was created; theories dedicated to the labor migration were grouped and systematized; factors, characteristics and trends of development the labor migration in Uzbekistan were explored; external and internal labor migration, sector, geographical contents were analyzed; advantages and disadvantages of labor migration processes for emigration and immigration sides were detected; economic mechanism of regulation the migration processes and ways to raise its effectiveness were designed; measures on development government policy for regulation labor migration streams from the position of international legal acts were substantiated; appropriate variants of development a mid-term and a long-term migration processes in Uzbekistan were worked out.

**Practical value:** practical proposals can be used in determination of impact the social-economic state of the country to labor migration processes, in determination of differences among general and regional showings of labor migration, in working out of optimal placement directions of migration, in keeping high employment rates, in development of controlling methods of labor migration, in working process of the authorities engaged in coordination of labor migration, and in improvement of usage the capital transferred by migrants.

**Degree of embed and economic affectivity:** economic mechanism of regulation the migration processes and ways to raise its effectiveness are currently using in regulation labor migration, provision of migrants rights, designing laws to social protection of migrants, working out the governmental policies on improvement of migration policies by Department of Labor and Social issues of the Legislative Chamber of the Republic of Uzbekistan, and also in teaching “Economics”, “International Economic Relations”, “Labor migration”, “Modern theories of economy, finance, money and credits” subjects.

**Field of application:** Ministry of Labor and Social protection of the Republic of Uzbekistan, higher educational institutions.

**Тадқиқотчи:**